

АЛЛОМАЛАР МАСКАНИДА ТАНТАНА

2 ноябрь куни Хоразм
Маъмур академияси
ташкил топганлигининг
1000 йиллиги кенг
нишонланди. Тантаналарда
мамлакатимиз
Президенти И. Каримов
иштирок этди.



2

**ЭЗГУ ИШ ҚАДР
ТОПАВЕРАДИ**

Хаётда ҳар кимнинг ўз йўли бор.
Истеъфодаги майор Чингиз Касумов оилавий
альбомни варақлаб ўтириб, газетадан қирқиб
олинган мақолаларга кўзи тушди...



**ЮРАГДА
ЎТИ БОРЛАР
КАСБИДР БУ**

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!



ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 4 ноябрь, шанба • 44(3678)-сон

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ:



ЯНГИ КУН, ЯНГИ РЕЖАЛАР

Суратда: профилактика катта инспектори,
капитан Доғиш Нирматов хизмат пайтида.

3

ОБУНА - 2007



— БАРЧА
ПОСТЛАР
ДИҚҚАТИГА!
«ПОСТДА» ГАЗЕТАСИ-
ГА 2007 ЙИЛНИНГ
БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛ-
ЛИГИ УЧУН ОБУНА
БЎЛИШГА
ШОШИЛИНГ!
ҚАЙТАРАМАН...



ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
«Постда» - 180 (366)
«На посту» - 169 (367)
«Qalqon» - 970 (1083)
«Щит» - 971 (1084)



ОБУНА - 2007

ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТ

МАСКАНИ

Ўзбек халқи ўзининг жуда бой ва қадим тарихига, жаҳон фани, маданияти, бутун цивилизацияси ривожига муносиб ўринга эга. Буюк аجدодларимиз қолдирган, ҳозирга қадар ўзининг келаётган Хива, Булан дунё аҳлини лол қолдириб келаётган Хива, Буларано, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги тарихий обидалар, Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, шайх Нажмиддин Кубро, Мирзо Улуғбек каби бошқа кўплаб забардаст алломаларнинг асарлари оша ўз қимматини йўқотмай келаётган шох асарлари ҳали-ҳануз инсоният хизматида бўлиб, маънавий ва маданий озуқа бериб келмоқда.

Бу фикримизнинг яна бир исботи эси — бундан минг йиллар аввал жаҳондаги санокли ва энг кучли илм-фан марказларидан бири бўлган Хоразм Маъмун академиясининг фаолият юритганлигидир.



бойитишган. Хоразмшоҳ Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний бошчилигида хоразмлик олимлардан математик ва астроном Абу Наср Ироқ ал-Хорижий ал-Ҳамдокий, кимёгар олим Абул Ҳоким Муҳаммад ибн Абдумалик ас Солиҳ ал-Хоразмий ал-Косий, Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Сухайли ал-Хоразмий ва бошқалар билан бир қаторда, бухоролик қомусий олим, машҳур табиб Абу Али ибн Сино, тарихчи олим, файласуф ва шоир, бағдоллик Абул Ҳайир ибн Ҳаммор, ал-Ҳамдоний ва ўз замонасининг бошқа етук олимлари кўплаб илмий ва амалий муаммоларни ечиб, жаҳон фани ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Баъзи манбаларда зикр этилишича, Маъмун академиясида хизмат қилган алломаларнинг сони уч юздан ошди бўлиб, шулар қаторида хоразмликлар кўпчилиكنи ташкил қилганлиги айтилади. Олимлар бу ерда дунёвий ва табиий фанлар билан, хусусан, астрономия, математика, физика, кимё, минерология, картография, география, геометрия, табиатшунос-

ўзи турли илмларга доир 152 та асар муаллифи бўлиб, шулардан бизгача 30 га яқини етиб келган, холос. У европалик олимлардан деярли олти аср бурун ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳақидаги илмий ғояни асослаб берди. У арифметика, алгебра, геометрия ва сонлар назарияси тушунчаларини ҳам маълум тартиб билан таърифлаб берди, тригонометрияни мустақил фан даражасига кўтарди.

Хоразмшоҳ Маъмун академиясида яна забардаст олимлардан «Птолемей Соний» деган юксак унвонга мушарраф бўлган Абу Наср Ироқ, табобат илмида Шарқда ҳам, Фарбда ҳам тенгсиз бўлган Абу Али ибн Сино (980-1037), ўз даврида «Сократи Соний» деган юксак унвонга сазовор бўлган олим Абу Ҳайр ибн Ҳаммор каби кўплаб алломалар фаолият юргазиб, жаҳон фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Булар ҳали академияда фаолият олиб борган ўз замонасининг забардаст олимларидан айримларидир. Кўриниб турибдики, Маъмун академиясининг жаҳон фани тараққиётидаги тугган ўрни беқиёсдир. Энг аҳамиятлиси шундаки, буюк бобокалонларимиз яратган ўлмас асарлар ҳозирги

Республикаимиз Президенти И. Каримовнинг Фармони билан 1997 йил 11 ноябрда Хивада Хоразм Маъмун академиясининг қайта ташкил этилганлиги маданий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди.

кунгача кўплаб соҳаларда дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келаётир. ЮНЕСКОнинг 2003 йилда бўлиб ўтган 32-сессиясида Маъмун академиясининг 1000 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ана шундан далолат бериб турибди. Бундан ташқари, яқинда Парижда ЮНЕСКОнинг Бош қароргоҳида Қарши шаҳрининг 2700 ва Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб илмий анжуман, Берлиндаги Максе Планк номидаги Фан тарихи илмий институтида Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб конферен-

ция ўтказилди. Конференцияда сўзга чиққан мазкур институт директори, профессор Юрген Ренн ўз сўзида қадимий маданият марказларидан бўлган Ўзбекистон заминида жаҳон фани тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган кўплаб буюк олимлар етишиб чиққанлигини таъкидлаб, ўз сўзини шундай давом эттирди:

— Мамлакат ҳудуди бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли фақатгина савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилмасдан, балки Фарб ва Шарқ ўртасидаги фан ва билимлар алмашинуви, Хоразм Маъмун академияси каби илмий ҳамжамиятларнинг ташкил топишида муҳим аҳамият касб этган.

Президентимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида яна шундай деган эди: «Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Уйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуг иш бўлур эди».

Республикаимиз Президенти И. Каримовнинг Фармони билан 1997 йил 11 ноябрда Хивада Хоразм Маъмун академиясининг қайтадан ташкил этилганлиги маданий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Зеро, Академия бобокалонларимиз бошлаб берган илмий-маърифий анъаналарни давом эттириш билан маънавий қадриятларимизни янги мазмун билан янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугун бу даргоҳда математика, тарих, табиатшунослик, археология, геология, минералогия, геодезия, тупроқшунослик, фалсафа, иқтисод, экология ва бошқа фанлар бўйича илмий изланишлар олиб бориб, Маъмун академиясида бундан минг йил олдин фаолият юритган алломаларнинг ишларини амалда давом эттириб, бойитиб, ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Матросул СОБИРОВ,
республика ИИВ
Энгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиги,
юримдик фанлари доктори,
профессор, генерал-майор.

Мустабид тугун даврида тарих китобларида бу академия ҳақида деярли маълумотлар берилмаган. Бунинг замирида эса, кишилар онгига «Ўрта Осиё бир қолоқ ўлка бўлган, унга маърифат ва маданият руслар истилосидан кейин кириб келган», деган ақидани сингдириш мақсади ётгани аниқ. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, тарихий ҳақиқатни ҳам яшириб бўлмайди. Бугунга келиб буюк тарихимизнинг ана шу олтин варақларини ошқоралаштириш имкони туғилди ва бунга беҳисоб шукроналар айтсак арзийди.

Хоразм Маъмун академиясининг фаолият юритиши юртимизда IX-XII асрларда юз берган уйғониш даврига тўғри келади, бу илм маскани ўз даврида бутун жаҳон илм-фани раванқига улкан ҳисса қўшганлиги билан ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Тарихда келтирилишича, бундан минг йил муқаддам, яъни эраимизнинг 1004 йилида Маъмунийлар сулоласига мансуб Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун ва Маъмун ибн Маъмуннинг саъй ҳаракати ҳамда буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг бевосита раҳбарлигида «Дорул ҳикма ва маърифат» ташкил қилинган эди. Илм-фаннинг энг долзарб муаммоларини ечишга йўналтирилган бу илм даргоҳи ундан икки аср аввал Бағдолда фаолият кўрсатган «Байтул ҳикма» анъаналарини давом эттириб, жаҳон илм-фани тараққиётида ўзига хос ўрин эгаллади. «Дорул ҳикма ва маърифат» да ижод қилган олимлар фаолияти ўтган асрдаёқ Европа ва рус шарқшу-

нос олимларида жуда катта қизиқиш уйғотган эди. Европалик олим Эдуард Захау, рус шарқшуносларидан академик С.П.Толстов, И.Ю.Крачковский, А.Ю.Якубовский, П.Г.Булгаков, ўзбек олимларидан академик Яҳё Гуломов, Иброҳим Мўминов ва бошқалар тадқиқотларида ушбу илм маскани фаолиятини чуқур ўрганиб, уни ўз даврининг Фанлар академияси бўлганлигини асослаб бердилар.

Манбалардан маълум бўлишича, Хоразм Маъмун академиясининг шаклланиши ва тараққий қилишида антик юнон олимларининг асарлари ҳамда IX асрда Бағдолдаги «Байтул ҳикма»да фаолият кўрсатган эллошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад ал-Марвазий, Аббос ал-Жавҳарий каби олимларнинг илмий кашфиётлари ҳам муҳим рол ўйнаган. Ўз навбатида Маъмун академияси олимлари юқорида номлари кўрсатилган алломаларнинг асарларидан маънавий озуқа олиш баробарида, уларнинг илмий хулоса ва кашфиётларини ўз тадқиқотлари билан



2 ноябрь куни Хоразм Маъмун академияси ташкил топганлигининг 1000 йиллиги тантаналари кенг нишонланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи, полковник Қуанишбай Абдикаримович ТАЖИМУРАТОВ.

Қуанишбай Абдикаримович Тажимуратов 1958 йил 6 июлда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида туғилган. Маълумоти олий, 1980 йилда Қорақалпоғистон Давлат университетини, 1990 йилда Тошкент Олий милиция мактабини, 1993 йилда Туркия полиция Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларидаги хизматни 1982 йилда бошлади. 1982–1990 йилларда Нукус шаҳар ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тахиятош шаҳар ИИБ, Чимбой тумани ИИБда инспектор, бўлинма бошлиғи, тезкор вакил вазифаларида ишлади. 1990–1991 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ШТБХ катта инспектори, 1991–1994 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, 1994 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖКБ бошлиғининг ўринбосари, 1994–2006 йилларда Нукус шаҳар, Қўнғирот тумани ИИБ бошлиғи вазифасида ишлаган.



Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Баҳрам Хамитович АЛЛАМБЕРГЕНОВ.

Баҳрам Хамитович Алламбергенов 1964 йил 20 сентябрда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида туғилган. Маълумоти олий, 2000 йилда Қорақалпоғистон Давлат университетини, 2004 йилда ИИБ Академияси Олий академик курсини тамомлаган. Ички ишлар тизимидаги хизматни 1991



йилда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХБ инспектори вазифасида бошлаган. 1993–1996 йилларда Нукус шаҳар ИИБ ЖКБ тезкор вакили, 1996–1997 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖКБ тезкор вакили, 1997–1998 йилларда Бўзатов тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, 1998–1999 йилларда Хоразм вилояти ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, 1999–2001 йилларда Нукус шаҳар ИИБ 2-шаҳар милиция бўлинмаси бошлиғи, 2001–2002 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, 2004–2006 йилларда Қонликўл тумани ИИБ бошлиғининг 1-ўринбосари вазифаларида ишлаган.


Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Бахтияр Таджибаевич МАШАРИПОВ.

Бахтияр Таджибаевич Машарипов 1968 йил 11 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 2001 йилда



ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар тизимидаги хизматни 1993 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ахборот марказида муҳандис-дастурчи вазифасида бошлаган. 1994–2001 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖКБ тезкор вакили, бўлинма бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2003–2005 йилларда Нукус тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, 2005–2006 йилларда Қонликўл тумани ИИБ бошлиғи вазифаларида ишлаган.

... Олтин куз. Она замин ўзгача бир гўзалликка бурканган. Атроф дилларни хушнуд этувчи, қалбларга тароват бағишловчи сеҳрли қиёфада. Бундай бетакрор гўшага доимо талпиниб яшагинг, унинг яшаришига, яшнашига ўз ҳиссангни қўшигинг келади. Ҳатто кузнинг сеҳрли қиёфасига кирган олтинранг барглар ҳам она замин қучоғига ошиқайтгандек оҳиста ерга талпинади. Мана шундай юртни асраш, унинг кун сайин ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш шу заминда яшайтган ҳар бир кишининг инсоний бурчидир. Айниқса, бу борада ички ишлар ходимларининг ўрни беқиёс. Мамлакат тинчлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган довюрак, метин иродали инсонлардан бири хоразмлик осойишталик посбони, капитан Дониш Пирматовдир.



ЮРТ ФАРЗАНДИ

Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида истиқомат қилувчи Исмоил ака Пирматов хонадонидан жажжи ўғил дунёга келганда унга Аҳмад Дониш каби халқпарвар бўлишини ният қилиб, Дониш деб исм қўйишди. Дониш болалигидан зийрак, илмга чанқоқ вояга етди. Отаси Исмоил акадек осойишталик посбони бўлишга аҳд қилиб, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртига ҳужжат топширди. Ўқишга қабул қилинган Дониш ўқитувчиларнинг ҳар бир сабоғини кунт билан ўзлаштириб борди. Билим юртини тамомлагач, ота юрти – Хоразмга қайтди. Уни Шовот тумани ИИБ профилактика инспекторлигига лойиқ деб топишди ва шу соҳада бой тажриба тўплаган профилактика катта инспектори, капитан Файзулла Матёкубовни мураббий қилиб тайинлашди.

– Дониш билан илк бор учрашганимда, – дея хотир-

лайди истеъфодаги капитан Файзулла ака Матёкубов, – унинг жуссасини кўриб, бу соҳада қийналиб қолмасмикин, деган фикрга боргандим. Лекин у билан яқинроқ танишгач, бу фикримдан қайтдим. Чунки тиришқоқ, фикрлаш доираси кенг, билим савияси юқори, хушмуомала бу йигитга мураббий бўлганимдан қувондим. Дониш раҳбарият томонидан топширилган вазифаларни қисқа фурсатда бекаму-кўст бажаришда яқин кўмакчига айланди. У эл назарига тушадиган осойишталик посбони бўлишига ишонаман.

Устознинг шогирд ҳақидаги бундай илиқ сўзларини эшитиш нақадар фахрли. Дониш ёш бўлса-да, қисқа фурсатда ўз қобилияти, меҳнатсеварлигини намоян этди. Туман ИИБ профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган кўриктанловда фаоллик кўрсатиб, вилоят босқичида қатнашди.

Орадан уч йил ўтгач, вилоят ИИБ тизимидаги кўриктанловда ҳам фахрли ўринни эгаллади. Ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашаётгани учун туман ИИБ раҳбарияти уни Туркманистон билан чегарадош Қангли қишлоғига профилактика инспекторлигига тайинлади. Дониш Пирматов бу ҳудудда ҳам турли жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла оқсоқоллари, овул фаоллари, маҳалла посбонлари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Диний-экстремистик оқимга мансуб бўлган шахсларнинг худудимизга кириб келишининг олдини олиш ҳамда чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда у самарали фаолият кўрсатди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида муқаддам судланган 6 нафар шахсни маъмурий назоратга, хавfli гу-

руҳга кирувчи 12 кишини аниқлаб, профилактик ҳисобга олди. Фуқаролар томонидан тушган 84 та ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилди. Яқинда унга юксак ишонч билдирилиб, туман марказидаги Қумёп маҳалласига профилактика катта инспектори этиб ўтказишди.

– Маҳалламизда профилактика инспектори ҳамда қишлоқ фаоллари жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида мактабларда «Сиз қонунни биласизми?», «Билимдонлар баҳси», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Ёшлар терроризмга қарши» мавзуларида учрашувлар, давра суҳбатлари, турли спорт мусобақалари ўтказишмоқда, – дейди маҳалла оқсоқоли Ибодулла Жумабоев. – Бундай тadbирлар натижасида қишлоғимиздаги ёшлар ўртасида биронта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Эл-юрт тинчлигини асраш

энг хайрли ва савобли ишлардан биридир. Бунда профилактика катта инспектори, капитан Дониш Пирматовга «Шовот қалъа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қўчқор Бекчонов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий ишлар бўйича маслаҳатчи Муборак Собирова, маҳалла посбонлари сардори Баҳром Ражабовлар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Юрт осойишталигини сақлашдек ниҳоятда масъулиятли ҳамда шарафли ишнинг бошида мана шундай гайратшижоатли, ўз касбига садоқатли йигитлар турганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар туфайли элимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлаверади.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Суратда: профилактика катта инспектори, капитан Дониш Пирматов хизмат пайтида.

Жумабой ҚОЗОҚ
олган сурат.

БАЙРОҒИМИЗ ҲИЛПРАСИ-ТОКИ-БОР-ЖАҲОН


Байроқ, герб, мадҳия... Бу уч сўзни давлат тушунчасидан айри тасаввур қилиш қийин. Мустақилликни қўлга киритиб, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлган халқ, аввало, ўз тақдирини ўзи белгилайди. Бу уч миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, буғуни ва келажаги, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассам.

Ўзбек давлатчилиги тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, давлат рамзлари Ватан тимсоллари сифатида ҳамisha азиз ва муқаддас саналган. Ҳамма замонларда ҳам булар шунчаки давлат сиёсатини амалга ошириш воситасигина эмас, жуда катта ижтимоий, маънавий аҳамият касб этган.

Халқимизнинг буюк давлат барпо этиш гоёси, салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган. Шунинг учун бўлса керак, аждоқларимиз ҳаётида давлат байроғи жуда эъзозланган. Одамлар давлат байроғи учун, ҳатто, ўз жонларини ҳам фидо этганлар. Жанг-жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият билан баробар бўлган.

Бунга тарихимиздан бир мисол келтириш мумкин. 1221 йилнинг кузида мўғул босқинчилари олти ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти Гурганжга ёпирилиб кирганда, Шайх Нажмиддин Кубро шаҳар мудофааси раҳнамоларидан бирига айланади. Тенгсиз курашда ўз кўксини душман найзасига қалқон қилиб, юрт озодлиги йўлида шаҳид бўлади. Шайх ўлими олдидан мўғул яловбардорларидан байроғини тортиб олиб ерга қулайди. Ёвга нисбатан нафрати шу қадар кучли эдики, мўғуллар кейинчалик шайхнинг жонсиз қўлидан байроқни тортиб ололмай, унинг бармоқларини кесиб, кейин ажратиб олган.

Соҳибқирон Амир Темури даврида ҳам давлат байроғи катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамият касб этган. Шу сабабли жанг-жадалларда давлат байроғини Амир Темурининг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари кўриқлаган. Темури тузукларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб, ғалаба



қозонган баҳодир сипоҳийлар давлат тимсоллари: туг ва ноғора билан мукофотланган. Бу Соҳибқирон салтанатида давлат байроғи нечоғли баланд қадрланганидан далолат беради.

Келажаги буюк давлат барпо этиш гоёси мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлатимиз рамзларида ўз ифодасини топган. Байроғимизда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар мобайнида топилган ғурури, кайфияти акс этган. 1992 йилнинг 2 мартда БМТга аъзо мамлакатлар сафида Ўзбекистон байроғининг ҳам ҳилпираши миллий ғуруримизни янада жўштирди.

Ўзбекистон давлати байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонун билан мустаҳкамланган.

Ички ишлар ходимларининг кийимларидаги давлат байроғининг рамзи ҳам эъзозга лойиқдир. Шунинг учун уларни пок ва тоза сақлаш лозим.

Маълумки, ўтказиладиган халқаро спорт мусобақалари ғолибларни тақдирлашда ҳам давлатларнинг байроғи кўтарилади, мадҳияси янграйди. Ҳар гал хорижий давлатларда ғолиб бўлган юртдошларимиз шаънига байроғимиз кўтарилганда, ғуруримиз осмон қадар юксалади.

Давлат байроғи — мамлакат фуқаролари учун муқаддас экан, юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ғурури, ифтихор шаклланаверади.

Ўзбекистон байроғи жаҳон узра доимо ҳилпираб тураверсин.

Акром АҚМАЛОВ,
доцент.

«Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларда ерга, мулкка эгаллик ҳиссини ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат. Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди».

Ислон **КАРИМОВ.**

ТАДБИРКОРЛАР — ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИНГ БУНЁДКОРЛАРИ

Ўзбекистон демократик янгидашиш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлидан босқичма-босқич ўтиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида асосий эътибор хусусий секторни ҳар томонлама ривожлантириш ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини ошириб боришга қаратилган. Шу боис, тадбиркорликни ташкил этишга кенг йўл очиб берилган. Шунингдек, унинг фаолиятини тартибга солиш ва ҳуқуқий

зорларга чиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш учун зарурий инфратузилмани шакллантириш ва ишбилармон раҳбар, мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериб, бу тузилмаларнинг аҳамияти ошиб бораётганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жойларда, кичик қўшма корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозорни

аграр тармоқда катта самараларга эришиш имконини берди. Шу йилнинг ўзида мамлакатда тайёрланган пахтанинг 85 фоизидан ортиғи, сабзавот, полиз маҳсулотларининг 90 фоизга яқини, ғалланинг асосий қисми фермерлар томонидан етиштирилди. Шунингдек, чорва, пилла, боғдорчилик, узумчиликда ҳам фермер хўжаликлари улуши 80-90 фоиздан ошди.

Мамлакат раҳбарияти қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини республиканинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш масаласига катта аҳамият берапти. Бу биринчидан, фермерлар даромадини оширсан, иккинчидан, қайта ишлаш корхоналарида ишчи ўринлари ташкил этилади. Яна, энг асосийси, экспорт тушуми мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлайди. Тошкентда ташкил этилган, 25 октябрдан 10 ноябргача давом этаётган «Uzbekistan Agrominitech

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига 12 мингдан ортиқ хўжалик субъектлари аъзо.

ҳимоя қилишнинг зарурий, меъёрий-ҳуқуқий тузилмасини яратиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қонун ва қарорларнинг ижобат бўлаётгани боис ҳам мамлакатимизда тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқаролар сони ортиб бормоқда.

Кейинги йилларда тадбиркорликни ҳуқуқий ҳимоялаш мақсадида уларнинг молия-хўжалик, фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)ни тартибга солишга оид қатор қарорлар қабул қилинди. Бу айрим текширув идораларининг тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувиغا чек қўйди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий равишда бирлаштирувчи нодавлат, ноижорат ташкилот ҳисобланган Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига 12 мингдан ортиқ хўжалик субъектлари аъзо. Унинг фаолияти тадбиркорлар манфаатларини ифода этиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини ташқи бо-

таъминлаш билан бирга экспорт қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз. Илгари бошқа давлатлардан сотиб олинаётган, келтирилаётган истеъмол моллари маҳаллий хом ашёлар ҳисобига ўзимизда тайёрланаётгани ҳам кўплаб валютани тежаш имконини берапти. Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариш корхоналари, шохобчаларининг ташкил этилаётгани ишчи ўринлари очилишига омил бўлмоқда.

Шу ўринда қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Дастлаб фермерлик ташкил этила бошланганда кўпчилик шубҳа қилганди. Чунки улар қўллаб-қувватлаб турилмаसा, ўз-ўзидан барҳам топиб кетиши мумкин эди. Тажрибада синовдан ўтиб, қутилган натижалар бергани учун ҳукуматимиз томонидан бу ҳаракатга жиддий эътибор қаратилди. Ерга ҳақиқий деҳқонлар, пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинлари етиштиришнинг уста соҳиблари эгаллик қила бошлагани

Пахтанинг 85 фоизидан ортиғи, сабзавот, полиз маҳсулотларининг 90 фоизга яқини, ғалланинг асосий қисми фермерлар томонидан етиштирилди.

Ехро — 2006»

халқаро кўрғазмаси фикримизнинг далилидир. Президентимиз И. Каримов кўрғазмада бўлиб, бу ерга ташриф буюрган фермерлар билан учрашиб, намойиш этилаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарда сарҳоватли еримизда пишиб етилган ноз-неъматларни қайта ишлашга сарфланган ҳар бир сўм эртага ўн сўм бўлиб қайтиши мумкинлигини таъкидлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадбиркорлар ва фермерлар мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда асосий ўрин эгаллашапти.

С. АБДУЛЛАЕВ



Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасида шахсий таркибни ўқитиш, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди. Унда 2005/2006 ўқув йилида амалга оширилган ишлар якуни ҳамда келгуси ўқув йилининг бошланиши муносабати билан бу борадаги ишларни ташкиллаштириш вазифаси кўриб чиқилди.

ЎҚУВ БЎЙИЧА ФИКРЛАШУВ

Кун тартибидagi масала бўйича вилоят ИИБ ШТБХ бошлигининг ўринбосари, майор Б. Боймуротов маъруза қилди. Нотиқ ўз сўзида вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш борасида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ҳали ечимини топмаган муаммолар ҳам борлигини алоҳида таъкидлади. Вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ҳ. Бегматов шахсий таркибни ўқитиш, уларнинг сиёсий онгини ўстириш, касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш бўйича ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Семинар иштирокчилари ҳар ойда бошқарманинг соҳавий хизматлари ҳамда шаҳар туман ИИБларида фаолият якуни таҳлил этилиб, семинар-кенгашлар ўтказиб турилишига келишиб олишди.

Собир НОРМУРОДОВ.

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз йўли бор. Истеъфодаги майор Чингиз Касумов оилавий альбомни варақлаб ўтириб, газетадан қирқиб олинган мақолаларга кўзи тушди. Ҳаёли уни ўзоқларга олиб кетди.

Бу йил ўғли, катта сержант Элмар Касумовнинг жиноятчилар билан олишувда вафот этганига ўн йил бўлди. Фарзанд доғи... У мақолалардан бирини ўқир экан, куйидаги сатрлар эътиборини тортди:

Самарқанд осмонин
нурларга чулғар,
Изкувар дўстларнинг
ўтли армони.
Ҳали ўттизга ҳам
қирмаган Элмар
Қабохат дунёсин бўлди
қурбони...

Ўша машъум куни тонгданоқ Чингиз аканинг юраги безовталанаверди. Фашлиги сабабини сира тушунолмасди. Жиринглаган телефон овозидан хушёр тортди.

— Хайрли тонг, отажон, — гўшакдан Элмарнинг қувноқ овози келди. У отаси, онасининг соғлигини сўради. Бугун бўш вақти бўлиши, укаси Заурни аэропортга ўзи кузатиб қўйишини айтди. Бу унинг сўнгги сўзлари эканлиги, жигаргўшасини бошқа кўролмаслигини ота қаёқдан билсин?!

Элмар ички ишлар идорасида ишлаш нияти борлигини айтганда, умрининг 27 йилини шу соҳага бағишлаб, танлаган касби қанчалар масъулиятли эканлигини бошидан ўтказган Чингиз ака

ЁДНОМА

ЭЗГУ ИШ ҚАДР ТОПАВЕРАДИ

ўйланиб қолганди. Шунда ўғли: «Мен сизга ўхшаб эл посбони бўлмоқчиман» деб сўзида қатъий туриб олган эди.

... Самарқанд шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими кичик инспектори, катта сержант Элмар Касумов тунда ишдан қайтаётиб, гаражлар олдида куймаланаётган бир неча шахсга кўзи тушди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари анча шубҳали туюлди. Жисмоний тайёргарлигига ишонган Элмар ҳайқимай уларга яқинлашди. Гаражлардан бирининг кулфини бузиб; машина ўғирлашга чоғланган кимсалар унга ташланишди. Уч кишига бир ўзи бас келаётгани ўғрилардан бирининг гашига тегди. У чўнтагидан пичоқ чиқариб Элмарга санчди...

— Элмар бошқача йигит эди, — хотирлашади ҳамкасблари. — Ҳамиша ёрдам беришга тайёр, хушчақчақ, довураклиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Ҳозирда хизматга келаётган ёш ходимларга Элмар ва у каби хизмат бурчини чин дилдан адо этган касбдошларимизни доимо ўрнак қилиб кўрсатиб келаемиз.

Дарҳақиқат, орадан ўн йил ўтган бўлишига қарамай, ҳамон уни кечагидек эслашади. Ҳа, инсон яшаган йиллари билан эмас, эзгу ишлари туфайли қадрли, деганлари шу бўлса керак. Элмар Касумовнинг порлоқ хотираси уни таниган-билган яқинлари ва касбдошлари қалбида абадий қолади.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

МАВСУМГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Қиш эшик қоқмоқда. Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш айна дамда энг долзарб вазифага айланди.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида мавсумга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ҳамда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси раҳбарларининг бу борада амалга оширилаётган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Шунингдек, ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА ЭЪТИБОР

Транспорт ИИБ тизими шахсий таркиби ўртасида касбий тайёргарлик машғулоти ўтказилишига масъул ходимлар билан 2006-2007 ўқув йили бошланиши муносабати билан ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчиларига янги ўқув йилида жанговар ҳолатни мустақамлаш, ходимларнинг касб маҳорати ва сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш бўйича рес-

публика ИИБ раҳбарияти томонидан қўйилаётган вазифалар тўғрисида Транспорт ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Жалилов, ИИБ ШТБХ жанговарликни таъминлаш маркази ўта муҳим ишлар бўйича катта инспектори, майор Б. Кудайбергенов, бошқарма ШТБХ бошлиғи ўринбосарлари, подполковник А. Сулаймонов ва майор Ў. Раҳимовлар томони-

дан атрофлича тушунча берилди. Шунингдек, машғулотлар самардорлигини ошириш, ходимларнинг экстремал шароитларда юклатилаётган вазифаларни мукамал ижросини таъминлаш бўйича шахсий таркиб билан ишлаш хизмати томонидан бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Абдурасул СУЛАЙМОНОВ,
подполковник.

Ўтган ҳафта мобайнида республикамиз ҳудудида 200 дан зиёд ёнгинлар содир бўлди. Улар туфайли етказилган моддий зарар тахминан 8,5 млн. сўмни ташкил қилди. Турли сабабларга кўра юзага келган ёнгинларда 3 нафар фуқаро куйиш тан жароҳати олди, 5 нафари эса ҳаётдан бевақт кўз юмди.


«01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Андижон вилояти Избоскан тумани Кўшкўприк маҳалласида яшовчи М. Нурметовнинг уйида ёнгин содир бўлди. У иситиш печи мўриси носозлигидан келиб чиқди. Бунинг оқибатида унинг 50 кв. м. том қисми ва уй жиҳозлари ёниб, хонадон эгаси катта миқдорда моддий зарар кўрди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким куйиш жароҳати олмади.

Навоий вилояти Навбахор тумани Виноградная кўчасида яшовчи Х. Абдулатиповнинг уйида ёнгин бўлаётгани ҳақида «01» хизматида хабар тушди. Ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари зудлик билан воқеа жойига бориб, офатни бартараф қилишганда, ичкаридан хонадон соҳибининг куйган ҳолдаги жасади топилди. Текширувлар натижасида Х. Абдулатипов маст ҳолда сигарета чекиб, ухлаб қолгани маълум бўлди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Биз, катталарнинг кундалик ҳаёtimизда оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларини билмаслигимиз ёки билиб туриб риоя қилмаслигимиз мудҳиш оқибатларга олиб келиши сир эмас. Келтириб ўтилган воқеалар фуқароларимизнинг лоқайдлиги туфайли рўй бермоқда. Шунинг учун уй, иш жойларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, газ ва электр жиҳозларидан фойдаланганда хушёр бўлиш, ёш болаларни ёлғиз қолдирмаслик мақсадга мувофиқдир. Ана шулар ҳамда бошқа ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этсаккина ёнгинларнинг олди олинади.

У. ВАФОВ,
катта лейтенант.



Суратда: касбий тайёргарлик жараёнидан лавҳа. Муаллиф олган сурат.

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ СОҲИБЛАРИ

МАРДЛИККА УНДАГАН БУРЧ

Биз одатда ички ишлар ходимининг бурчи ҳақида кўп ёзамиз, фикрлар билдирамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Инсон зиммасидаги ана шу масъулиятни чуқур ҳис этсагина Ватани, халқига садоқат билан хизмат қилади. Сержант Э. Қиличевнинг сермазмун ўтаётган ҳаёти, ўз касбига содиқлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

Нуригдинов, Қибрай тумани ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлини милиционер, катта сержант З. Аҳмедов, туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант А. Турсуновлар хизмат вазифаларини кучайтирилган тартибда олиб бора бошлашди. Ушбу маскан олдида ўтаётган

автомобилдан ҳайдовчи ҳамда бир йўловчи чиқиб келишди. Аммо орқа ўриндикдаги икки шубҳали шахс автомашинадан тушмади. Уларни ушлаш пайтида машинадаги портловчи моддани ҳаракатга келтириб, ўзларини портлатиб юбордилар.

Портлаш натижасида А. Турсунов, В. Нуригдинов ва З. Аҳмедовлар тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳалок бўлишди. Сержант Э. Қиличев эса яраланди. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида ички ишлар идораларидаги самарали меҳнати, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, фуқаролар хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун сержант Э. Қиличев Президентимизнинг Фармони билан тақдирланди. Ҳозирги кунда у 1-ИПХ отряди командирининг ўринбосари, майор Фахриддин Маменов бошлиқ гуруҳда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Шерали АНВАРОВ, капитан.
Суратда: сержант Э. Қиличев оила аъзолари билан.



тан ҳар бир автомобиль ва йўловчиларнинг ҳаракати назоратга олинди. Уларда «Тико» русумли автомашинада ўтирган йўловчилар шубҳа уйғотди. Тўхтатишган

тан ҳар бир автомобиль ва йўловчиларнинг ҳаракати назоратга олинди. Уларда «Тико» русумли автомашинада ўтирган йўловчилар шубҳа уйғотди. Тўхтатишган

У ички ишлар идораларидаги фаолиятини 1995 йил май ойида Олмалиқ шаҳар ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими моторлаштирилган милиция взводининг милиционери лавозимида бошлади. Кейинчалик йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида давом эттирди. 2001 йилдан эса Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига бевосита бўйсинувчи ИПХ батальони 1-ИПХ отряди сафарбарлик гуруҳи йўл-патруль хизмати инспектори бўлди.

— Эркинжон камсуқум, камтар, босиқ йигитларимиздан бири, — дейди отряд командири, подполковник Т. Абдуҷабборов. — Шунингдек синчков, ҳар қандай вазифага сидқидилдан ёндашиб, ўз вақтида бажаришга одатланган.

2004 йил 29 март кунини Тошкент шаҳрида ички ишлар ходимларига қуролли ҳужум қилингани тўғрисида хабар олинганча, вилоят ҳудудида ҳам ҳушёрлик кучайтирилди. Эртаси кунини Қибрай туманидаги «Қорамурт» блок-постида вилоят ИИБ ЙХХБга бевосита бўйсинувчи ИПХ батальони 1-ИПХ отряди сафарбарлик гуруҳининг ИПХ инспектори, милиция старшинаси В.

Одатда кўндан бери таниган, билган киши, аниқроғи, қадрдонлар ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин кечади. Осон томони шундаки, у ҳақда кўп нарса биласан. Қийини, унинг қайси бир томонини ёзишни билмай қоласан. Чунки бир жиҳатини тасвирласанг, иккинчи жиҳати қолиб кетаётгандай туюлаверади.

Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, полковник Ўктам Умаров билан талабалик йиллари танишганман. Тошкент Давлат университетида бирга таҳсил олганмиз. У Қуйичирчиқ туманидан, мен Бекободдан келган бўз йигитчалар эдик. Мана, ҳозир қўша-қўша невараларга бува бўлдик. Мақолани ёзишдан мақсад кўп йиллик дўстлигимизни эслаш эмас, Ўктамжоннинг ички ишлар идораларидаги хизматларидан бир шингилни ҳикоя қилиш. Ички ишлар ходими деган номни қандай оқлаш, элу юрт ҳурматини қандай қозонишни Ўктамжон мисолида тасвирлаб беришдир.

Ўктамжоннинг отаси оддий электромонтёр эди. Кўчаларга сим тортиб, уйларга ёруғлик олиб кирган. Халқдан «икки дунёнинг ёруғ бўлсин» деган дуони кўп эшитгани учун ҳам тўрт ўғил, икки қизи тарбияли, халққа нафи тегадиган, отасига раҳмат эшиттирадиган бўлиб вояга етишди. Ҳақиқатан ҳам хонадони

бири. Оиланинг тўнғич фарзанди Ўктамжон университетни тугатгандан кейин бир неча йил ўқитувчилик қилди. Кейин Жиззах вилоят ИИБ қўриқлаш бўлимига ишга чақириб олишади. Мана, ўттиз йилдан бери ички ишлар хизматида. Оддий инспекторликдан вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарига бўлган вазифаларни санаб чиқсангиз бир-икки варақ қоғоз камлик қилади. У ҳар бир поғонага хизмат вазифаси, бурчини топшириқларни масъулият билан адо этиб бошқаларга намуна бўлганлиги сабабли ҳам кўтарилган борган. Шу ўринда гапимнинг исботи учун бир воқеани келтириб ўтмоқчиман.

1998 йилнинг айна ёз чилласи. Ўктам Умаров Жиззах вилояти ИИБ бошлиғининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари вазифасида ишларди. Зомин туманидаги Даштобод кўрғонига чегара ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, республикадан товар-моддий бойликларнинг

ФИДОЙИ ҲАМКАСБЛАРИМИЗ ҲАР БИР ХИСЛАТИ ИБРАТЛИ

доимо нурга тўла. Онаси кўп йиллар жамоа хўжалигида ишлаган. Ҳозир нафақада. Пиру-бадавлат онахонлардан

ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олишларини назорат қилгани бориб галати воқеанинг устидан чиқади. Маълум бўлишича, Тожикистонлик уч-тўрт нафар аскар кузатувидаги тракторнинг иккита тиркачасига ортилган селитрани, Ўзбекистондан олиб чиқишга уринган. Бундан хабар топган Даштобод кўрғон милиция бўлини ходимлари, чегарага яқин жойда уларни тўхтатган. Хавфли томони улар қуролланган. Озгина қалтис ҳаракат, ортиқча сўз отишмага сабаб бўлиши мумкин. Ўктам Эгамович қалтис вазиятдан чиқиш учун хийла ишлатишни маъқул кўриб, тожикистонликларга масалани тинч ҳал этишни таклиф қилади.

— Кўриб турибсиз, бу қалтис вазиятдан аҳоли хабардор бўлиши мумкин, — дейди У. Умаров. — Ҳозир деҳқонларимиз учун ўғит ҳаводай зарур. Селитранинг ҳар мисқоли назоратда. Сиз шерикларингиз билан чегарадан бирон чақирим нари бориб турунглр. Ходимларимиз сизларни кузатиб қўйишади. Кейин биз тракторни ўтказиб юборамиз.

Тожикистонликлар чегарадан анча нари кетишгач, селитра ортилган трактор орт-

га қайтарилиб, Даштобод кўрғон милиция бўлини масига олиб келинади.

Дўстимнинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Унинг тўрт ўғли ота изидан бориб ички ишлар хизматида киришган, унга доим таянч. Шу боис у ёшига нисбатан анча бардам, шижоатли. Нафақага чиқса, фермерлик билан шуғулланиш ниятида.

— Дадам раҳматлик пенсияга чиқиб ҳам ишлар эдилар. Биз ўғиллар монельик билдирсак, кулиб, «Инсоннинг тани жони соғ бўла туриб, бекор ўтирса, танбал бўлиб қолади», дердилар. Йиллар

ўтиб бу гапнинг мағзини чақиб, бекорчиликнинг нима эканлигини тушуниб етдим. Халқимизда, бекор қолгунча бекор ишла деб, бежиз айтилмаган. Ўғилларимга ҳам шуни доим уқтираман. Юртга ҳалол хизмат қилсанг, эл назаридан қолмайсан, дейман. Ҳаётда озми-кўпми қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Орзуларим ушалиб, фарзандлар бахтини, кўп йиллар қилган камтарона меҳнатнинг мевасини татиб кўриш насиб этгани учун ҳам бениҳоя мамнунман.

Дўстимнинг кўпчилик ҳурмат — эътиборига сазовор бўлаётганининг сабаби, юксак инсоний фазилатларнинг мужассамлигидир. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир хислатидан ибрат олса арзийди.

Фурқат ҲОЛИҚУЛОВ.



Суратда: Ўктам Умаров ўғиллари ва невараси Сардорбек билан.

Акмал ХАЙРУЛЛАЕВ олган сурат.

Бухоро муқаддас қадамжолари, тарихий обидалари билан машҳур. Шу боис бу қадим шаҳардан сайёҳлар қадами узилмайди. Яқинда Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан ходимларнинг ана шу кўҳна ва азим шаҳарга бир гуруҳ саёҳати уюштирилди.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАРГА САЁҲАТ

— Саёҳатдан мақсад ходимларимизнинг маданий дам олишларини ташкиллаштириш, шу билан бирга, уларнинг маънавий оламини юксалтириш, тарихий билимларини бойитишдир, — дейди бошқарма ШТБХХ бошлиғининг ўринбосари, капитан К. Яхшиликков. — Қелгусида Самарқанд ва Хива шаҳарларига ҳам саёҳат уюштиришни мўлжаллаяпмиз.

— Бухоронинг тарихий обидалари, кўҳна ва бетакрор архитектура санъатини ўзида мужассам этган маҳобатли минорлари, ёлгорликларини кўриб кўнглимда фахр уйғонди, — дейди Навоий шаҳар ИИБ терговчиси, катта лейтенант Ш. Ўроқова. — Юртимизнинг бой маданий мероси, тарихий обидалари, ўлмас кадриятларимиз билан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

— Саёҳат давомида Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд қаламжоларини зиёрат қилдик, — дейди бошқарма поликлиникаси шифокори, жарроҳ Муяссар опа Насруллаева. — Юрт посбонларининг хизмати ўта масъулиятли ва машаққатли. Улар тарихий шаҳарларимизга саёҳат қилиб, маданий дам олишга ҳамisha ҳам имкон топавермайдилар. Шу ўринда Бухорога ташриф айна муддао бўлди.

Нигора РАҲИМОВА, майор.



POSTDA-TV

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

6 – 12 ноябрь



**НТВ,
жума
21.40**

Бу ажойиб фантастик жангари фильмда одамлар сунъий ақл яратишади. Пировардида ақл ривожланиб, бутун инсониятни ўзининг қулига айлантириб олади. Андерсон исмли йигит программалар тузувчи бўлиб ишлайди ва бутун бўш вақтини компьютердан нималарнидир қидиришга сарфлайди. Ва бир куни компьютер сетидан таниқли хакер Неони топади. Сунъий ақлни қўриқловчи робот агентлар Нео улар ҳақида билиб олмаслиги учун ҳаракат қиладилар...

Ролларда: Киану Ривз,
Лоуренс Фишберн,
Кэрри-Энн Мосс.

**ТВ3, пайшанба
23.00 «ЖОСУСЛАР КОМПАНИЯСИ-
ДА» («В КОМПАНИИ ШПИОНОВ»)**

Америка жосуси Марко ядро қуролини яратиш билан боғлиқ вазифани бажариш чоғида қамоққа олинади. Лекин у жосуслигини тан олмай, ўзини канадалик муҳандис Бланчард эканлигини айтади. Қамоқхонадан халос бўлиш учун Евин Жефферсонни ёрдамга чақиради. У ресторандаги бизнесини қолдириб, Маркони қамоқдан озод қилиш операциясини амалга ошириш учун бутун жамоасини йиғади...



Ролларда: Том Беренжер, Элис Крайж.



**СТС, якшанба
12.00 «АГЕНТ КОДИ БЭНКС»,
 («АГЕНТ КОДИ БЭНКС»)**

МРБнинг ёзги лагери ер остида ўсмирлардан ташкил топган махсус агентларнинг танлаб олинган бўлинмаси машқ ўтказди. Уларнинг энг аълочи битирувчиси Коди БЭНКС ўлдириш усуллари ўрганган бўлиб, муҳим топшириқни бажаришга юборилади. У бир вақтнинг ўзида бутун дунёга ҳукмронлик қилмоқчи бўлган ярамасларни тўхтатиб қолиши ва севган қизини ҳалокатдан қутқариши керак.

Ролларда: Френки Мюниц, Хилари Дафф, Энжи Хармон.

**«Первый» канал, якшанба
21.45 «Х ОДАМЛАР-2»
 («ЛЮДИ X – 2»)**

Уларнинг ҳар бирида гайритабиий имконлар берувчи мутант генлар ўрнашиб олган. Мутант Найткраулер Ок уйнинг ўзида президентга ҳужум қилгандан кейин, уларни овлаш учун ҳақиқий кураш бошланади. Улардан халос бўлишнинг ягона йўли бирлашиб кураш олиб бориш ва бутун инсониятни халос қилишдир...

Ролларда: Патрик Стюарт, Хью Жекман, Йен МакКеллен.



«Ўзбекистон» телеканалли

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ-анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Штраус».
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Чинининг саргузаштлари». Мультсериал.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Онлар мактаби».
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.55 «Дунё иқлими».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ-анонс.
11.15 «Дил таронаси».
11.20 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Одами эрсанг...»
12.15 ТВ-анонс.
12.20 «Алдагани хотин яхши». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
13.50 Олтин мерос.
13.55 «Дунё иқлими».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 «Маъмур академияси». Видеофильм.
«Болалар сайёраси»:
16.45 «Эртактлар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.25 «Равнақ» студияси намоиш этади.
17.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ранглар ва ўйлар суҳбати». «O'zbektelefilm».
17.55 «Умр дафтари». 1-қисм.
18.20 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Аёло ўйинчи». Телелотерея.
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Дунё иқлими».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал премьераси (Туркия)
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 «Бир ўлка-ки».
22.00 «Сарой жаҳожири». Телесериал (Корея)
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Клейнсбейнинг оқ сояси».
23.45-23.50 Тунги наволар.

«Ёшлар» телеканалли

17.55 Дастур очилиши.
18.00 UzEX.
18.10 mtrk.uz.
18.15 Ракурс.
18.30 Юртим юраги.
18.35 Дилрабо.
18.50 UzEX.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40 «Шимол тафти». Сериал.
20.10 Спорт-лотто.
20.15 Замон кўзгуси.
20.35 Юртим юраги.
20.40 Наво-SMS.
20.50 Омон бўлинг!
21.00 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.00 ДАВР.
22.30 «YOSHLAR»ДА КУЗ ОКШОМЛАРИ.
0.00 - 0.05 Орзу бекати.

«Тошкент» телеканалли

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм. «Кўк сичқонча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
18.10 «Телекуррьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Анонс».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
19.50 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили. «Саломат бўлинг» (рус).
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
20.15 «Анонс».
20.20 «Эрудит» (рус)
20.35 Хайвонот дунёси. «Баҳайбат тимсоҳ». 2-қисм. (рус).
21.00 «Интервью» (рус)
21.10 «Жозиб».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Анонс».
21.50 «Телекуррьер-маркет».
22.10 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури (рус)
22.45 «Анонс».
22.50 Кино: «Жанна Д'Арк» 1-қисм. (рус).
0.10 -0.15 Хайрли тун, шаҳрим».

«Sport» телеканалли

7.00 «Бардам бўлинг».
8.00 «Версия». Информацион-тахлилий кўрсатув.
8.30 «Болалар спорти».
8.50 Мультфильм.
9.00 «Талқин». Информацион-тахлилий кўрсатув.
9.30 «Мониторинг».
10.00 «Таътилдаги саргузаштлар».
10.30-11.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
18.00 «Болалар спорти».
18.30 «Хабарлар» (рус. тилида)
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Табиатшунос саёҳати».
19.40 «Футбол шарҳи».
20.00 «Вести».
20.20 «Тет-а-тет».
20.30 «Криминал». Сериал.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
21.50 «Тошкент- телевидение ватани».
22.20 «Проф-РИНГ».
23.10 Еврофутбол.
0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

Профилактика до 16.55
17.00 «Телеэкспромт»
17.30, 20.00, 22.00 «Муסיкий табассум»
18.00 «Болалар соати»
18.20 «Ишонч-ТВ»
18.40 «Севги навалари»
19.00 «Ошикона»
19.40, 21.45 «Телехамкор»
21.00 «Занжир»
21.35 «Муסיкий лаҳзалар»
22.30 «Шеробод-ТВ»
22.35 «Оқшом кўшиқлари»
22.50 «Қонли олишув» фильм

«Первый»

6.00, 10.00, 15.00 Новости
6.20 Комедия «Ребенок к ноябрю»
7.50 «Адская машина полководца Кутузова»
8.35 «Служу Отчизне!»
9.10 «Умницы и умники»
10.35 «Тихий Дон»
11.10 «Пока все дома»
12.10, 15.10 Фильм «Воспоминания о Шерлоке Холмсе»
18.00 «Времена»
18.55 «Две звезды»
21.00 «Время»
21.45 Триллер «Телефонная будка»
23.15 «Секс-символы» Док. сериал
0.10 «10 лет вместе» Юбилейный концерт
1.45 Фильм «Посмотри на меня»
3.40 «Цирковые династии»
4.05 «Григорий Распутин. Чисто русское убийство»

«Россия»

5.55 Фильм «Служили два товарища»
7.30 «Здоровье»
8.00, 11.00, 14.00, 20.00 ВЕСТИ.
8.20 «Сельский час».
8.50 «Диалоги о животных».
9.20 Мультфильм.
9.40 Фильм-сказка «Финист - ясный сокол»
11.20 «Городок»
11.50 «Сам себе режиссер».
12.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
13.15 «Парламентский час».
14.20 «Фитиль N107»
15.05 Боевик «Риск без контракта»
16.40 «Форт Боярд»
18.20 «Танцы со Звездами»
20.30 Юбилейный вечер Евгения Петросяна «60 лет в обед»
23.50 Фильм «Лучший друг»
1.50 Комедия «Мои голубые небеса»
3.45 Сериал «Взгляды»
4.25 «Евроныос»

НТВ

5.05 Мультфильмы.
6.35 Комедия «МИСТЕР НЯНЬ»
8.00, 10.00, 13.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
8.20 Фильм «ВОСКРЕСНЫЙ ПАПА»
10.25 Фильм «БУМЕР. Фильм второй»
13.25 «ВАЛЕРИЙ ЛЕОНТЬЕВ представляет...»

15.00 «СОВЕТСКАЯ ВЛАСТЬ: КАРАУЛ УСТАЛ ЖДАТЬ»
15.55 Фильм «ГАРРИ ПОТТЕР И ТАЙНАЯ КОМНАТА»
19.40 Комедия «ЖМУРКИ»
21.50 Фильм «ИНТЕРДЕВОЧКА»
0.40 Фильм «ЛЮБОВНИК ЛЕДИ ЧАТТЕРЛЕЙ»
2.35 Сериал «МАНГУСТ»

ТВ 3

8.00 Победоносный голос.
8.30, 10.00, 15.00 Про кино.
9.00 Мультсериалы.
10.30, 15.30 Сериал «КОМНАТА СМЕХА».
11.00 Худ. фильм «ЛЮБОВЬ НЕЛЬЗЯ КУПИТЬ»
13.00 Худ. фильм «СВАДЬБА БЕТСИ»
16.00 Худ. фильм «ЯСОН И АРГОНАВТЫ»
19.45 Худ. фильм «ПОБЕДИТЕЛИ И ГРЕШНИКИ»
22.00 Киномания.
23.00 Худ. фильм «БАГРОВЫЙ ПРИЛИВ»
1.15 Худ. фильм «ПАДЕНИЕ БОРТА «АНГЕЛ»
3.00 Худ. фильм «НОЧЬ ДЛИННЫХ НОЖЕЙ»
5.00 Сериал «ЧИСЛА»
6.00 Т/с «СЕМЬЯ СОПРАНО»
7.00 Релакс.

ДТВ

9.00 Мультфильмы.
10.50 «Неслучайная музыка».
10.55 Телемагазин.
11.25 «Фабрика смеха».
12.25 Смешное видео.
12.55 Фильм «ПРИКЛЮЧЕНИЯ БУРАТИНО»
15.55, 19.40 Худ. фильм «ДИНОТОПИЯ»
21.30 Фильм «СТРАНА ГЛУХИХ».
0.00 Сериал «С.С.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС»
1.55 «Карданный вал +».
2.30 «Девушки в бикини».
3.00 Т/с «СТРОГО НА ЮГ».
4.00 Ночной клуб.
5.00 Худ. фильм «ОНА НЕ НАВИДИТ МЕНЯ».
7.15 «Этот безумный мир».
7.35 Музыка

ТНТ

7.00 «Неизвестная планета»
7.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ» Теленовелла
8.10 Твоя среда обитания.
8.40 Мультфильмы.
10.00 «Зверские сказки»: «Пчелы», «Бабочки» Док. фильмы.
11.05 «ЭКСТРЕМАЛЬНОЕ СВИДАНИЕ». Комедия
13.00 Деньги на проводе.
13.30 Такси.
14.00 «Голые стены»
15.00, 18.00, 20.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ» Комедия.
17.00, 21.00, 0.00 «Дом-2»
22.00 Комеди Клуб.
23.00 «Кандидат» с Владимиром Потаниным»
0.30 «Секс»
1.10, 4.15 «Ночные игры»
1.35 Наши песни.
2.00 «СЕМЕЙКА АДДАМС» Сериал
2.30 «ЭКСТРЕМАЛЬНОЕ

СВИДАНИЕ» Комедия

СТС

8.00 «ПОКОРИТЕЛЬНИЦА ВОЛН» Худ. фильм.
9.25, 14.00, 18.30 Мультфильмы.
12.15 Кино «ГОРОД ХЕЛЛОУИН-2».
18.00 «Истории в деталях»
18.45 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
19.45 Кино «ДЕТИ ШПИОНОВ».
21.30, 1.00 «Слава богу, ты пришел!»
12.40 Смертельные искусства.
13.30 Реслинг. Чемпионат НФР «Опасная зона».
14.00, 4.00 Rally&Racing Action.
15.00 Total perби.
15.30 Гольф. Европейская неделя.
16.00 «Gillette World Sport». Тележурнал.
16.30 «Sports Watch». Тележурнал.
17.00 Звезда автострады.
17.10, 21.10, 3.00 NBA Live!
17.30, 21.30 Экстремальный спорт.
18.00 «Классика футбола». Исторические матчи «Челси», «Манчестер Юнайтед» и «Барселона».
19.30 Бега и скачки.
20.00 Ferrari Racing Magazine.
20.30 Motorsport Mundial.
22.00 Футбол. Кубок Англии. Прямая трансляция.
0.00 Снукер. Премьер-лига.
2.00 Ужасы спорта.
2.10 Покер.
3.10 Обзор мирового футбола.
5.00 Бусидо. Путь воина.
6.00 Ле-Ман: историческая гонка.

Телеканал «O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Афсонавий мамлакат». Мультфильм.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 2006 – Хомийлар ва шифокорлар йили. «Саломатлик сирлари».
11.20 «Ойла ришталари». Телесериал.
11.55 «Минг бир маслаҳат».
12.15 «Хажвия бисотидан».
12.35 «Дил таронаси».
12.45 ТВ-анонс.
12.50 «Расёмон». Бадиий фильм премьераси (Япония)
14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
15.20 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида кўшиқлар.
«Болалар сайёраси»:
16.20 «Олтин тож» Теле-ўйин.
16.55 «Жиддий ўйин».
17.55 «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.35 «Интеллектуал ринг».
19.20 «Дунё иклими».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «50x50». Ток-шоу.
20.50 «Дунё иклими».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Кўҳна оҳанглар».
22.10 «Ўткинчи дунё». Бадиий фильм (Ҳиндистон) 2-қисм.
23.30-23.35 Тунги наволар.

Телеканал «Yoshlar»

5.55 Дастур очилиши.
6.00 Ҳинд киноси: «Девдас».
9.00 Телепортрет.
9.15 Юртим юраги.
9.20 Мухлис-шоу.
10.00 БАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Оҳанрабо.
12.00 Кўшқулоқ.
12.20 Таътил тухфаси: «Бемби».
13.30 Ватан мадҳи.
13.40 Рўзғор мактаби.
14.00 Жаҳон киноси: «Фантомас талвасада».
15.45 Интерфутбол.
17.25 Ринг кироллари.
18.15 Чемпион сирлари.
18.35 Дилрабо.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 Эълонлар.
19.35 Юртим юраги.
19.40 Қилни қирқ ёриб.
20.30 «Ортиқча клиникаси».
21.00 «Ошуфта». Абдулла Курбанов.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 Жаҳон киноси: «Шанхайлик шоввоз».
23.45 – 23.50 Оқшом кўнғироғи.

Телеканал «Тошкент»

7.30 Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 «Анонс».
8.35 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15 «Телекурьер-маркет».
9.30 «ИИВ хабарлари».
9.45 «Анонс».
9.50 Мультфильм. «Шоҳ салтан ҳақида эртак».
10.40 «Интервью».
10.50 «Афиша».
11.00 «Истеъдод».
11.20 Кино: «Гугуртга кетиб».
12.50 «Анонс».
12.55 «Мусиқа SMS».
13.15 Камин олдида суҳбат» (рус).
13.45 «Анонс».
13.50 «Эрудит» (рус).
14.05 Кино: «Такси» (рус).
15.30 «Жозиба».
15.50 «Телекурьер маркет».
16.10 Кино: «Жадвалдан ташқари поезд».
17.25 Анонс.
17.30 «Телекурьер маркет»:
17.50 «Мулоҳаза учун мавзу».
18.20 «Санъат гулшани».
18.40 «Нима учун?»
19.10 «Дилкаш наволар»: Фарҳод Саидов «Сарбон» гуруҳи.
19.35 Анонс.
19.40 «Эзгулик дунёси».
20.00 «Тошкент телевидение Ватани» (рус).
20.30 «Эрудит» (рус)
20.45 «Туризм ҳақида» (рус)
21.15 Якшанба кинозали: «Кариб денгизи қароқчилари» (рус).
23.30 - 23.35. «Хайрли тун, шаҳрим».

Телеканал «Sport»

7.30 «Хабарлар».
7.50 «Бардам бўлинг».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида)
9.10 «Кувноқ стартлар».
9.50 «Рақибингиз гроссмейстер».
10.10 «Табассум».
10.20 «Йўлда ёзилмаган қайдлар».
10.35 «Ҳамма уйдалигида».
11.30 «Файзли ошхона».
11.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Машъал»-«Қизилқум». «Трактор»-«Локомотив».
13.35 «Дорихона эшитади».
14.20 «Проф-РИНГ».
15.10-16.15 «Келин-куёв». Шоу дастури.
18.00 Мульттўғлам.
18.30 «Версия». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 «Вести».
20.20 «Юлдузлар муз устида».
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 «Юлдузлар муз устида».
22.40 «Тенгдош».
23.00 Еврофутбол.
0.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

9.05, 10.30, 16.45, 19.00 «Телехамкор»
9.20 «Док. фильм»
10.10 «Мультфильмы»
10.45 Худ. фильм «Кража»
12.45, 17.30, 20.30, 21.40 «Мусиқий табассум»
13.00 «Телеэкспромт»
13.20 «Хит-парад - плюс»
14.20 «Шоу-бизнес янгликлари»
14.50, 18.00 «Болалар соати»
15.05 «Аёллар орзуси»
15.30 «До-Ми-Соль шоу»
17.00 «Док. фильм»
18.20 «Юрак торлари»
18.30 «Сўғдиёна»
19.20 «Ошиқона»
20.00 «30-й кадр»
21.00 «Якшанба оқшомида»
22.10 «Биргалиқда»

«Первый»

6.00, 10.00, 12.00 Новости
6.10 «Жизнь на свалке. Люди, которых нет»
7.10 Детектив «Дело № 306»
8.35 «Армейский магазин»
9.10 «Умницы и умники»
10.20 «Непутевые заметки»
10.35 «Пока все дома»
11.30 «Ералаш»
12.10 «Русские» Док. сериал
13.10 Фильм «Воспоминания о Шерлоке Холмсе»
16.05 Комедия «Тутси»
18.00 «Времена»
18.55 «Две звезды»
21.00 «Время»
21.45 Фильм «Люди Икс-2»
0.00 «Секс-символы» Док. сериал
0.55 Европейский хоккейный тур. Сборная России - сборная Чехии.
3.10 Сериал «Мертвая зона»
3.55 «Звезды эфира»

«Россия»

5.45 Фильм «Бухта смерти»
7.30 «Здоровье»
8.00, 11.00, 14.00, 20.00 ВЕСТИ.
8.20 «Сельский час».
8.50 «Диалоги о животных».
9.20 Фильм «Золотое дно»
11.20 «Городок»
11.50 «Сам себе режиссер».
12.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
13.15 «Парламентский час».
14.20 «Фитиль N108»
15.05 Боевик «Мафия бессмертна»
16.45 «Форт Боярд»
18.25 «Танцы со Звездами»
21.00 «Специальный корреспондент».
21.25 Фильм «Жаркий ноябрь»
23.15 Фильм «Сорвиголова»
1.20 Триллер «Преследуемый»
3.15 Сериал «Взгляды»
4.00 «Евроныос»

НТВ

5.40 Фильм «КЛАССИК»
7.20 Мультфильмы.
8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
8.15 «ДИКИЙ МИР»
8.50 «ИХ ПРАВЫ»
9.20 «ЕДИМ ДОМА!»
10.20 «TOP GEAR»
10.50 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС»
11.45 «ШНУР ВОКРУГ СВЕТА»
12.20 «АВИАТОРЫ»
13.25 «СТИХИЯ»

14.00 «МОСКВА - ЯЛТА - ТРАНЗИТ» Фестиваль
16.20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ»
17.00 «СВОЯ ИГРА»
17.55 Сериал «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА»
19.50 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
20.20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
21.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ ЖЕНЬ: ЕКАТЕРИНА ВОРОШИЛОВА. ПАРТЛЕДИ С ХАРАКТЕРОМ»
22.00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР»
23.10 Фильм «СФЕРА»
1.50 «МИРОВОЙ БОКС»
2.55 Комедия «ЧЕРЧИЛЛЬ ИДЕТ НА ВОЙНУ»
4.15 Фильм «БАРРЕТЫ С УИМПОУЛ-СТРИТ»

ТВ 3

8.00, 9.00 Мультфильмы.
8.30 Жизнь, полная радости.
11.00 Худ. фильм «РАКЕТЧИК»
13.00 Худ. фильм «КИНДЗА-ДЗА»
15.30 Курьер
16.00 Худ. фильм «ДОБЕЙСЯ УСПЕХА»
18.00 Худ. фильм «В КОМПАНИИ ШПИОНОВ»
20.00 Киномания.
21.00 Худ. фильм «КОНТРАБАНДА»
22.45 Худ. фильм «РАСПУТНИК»
1.00 Сериал «ЧИСЛА»
2.00 Т/с «СЕМЬЯ СОПРАНО»
3.00 Х/ф «КРОКОДИЛ»
4.45 Х/ф «МЕГАЛОДОН»
6.30 Релакс.

ДТВ

9.00, 6.40 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ»
9.55 Для милых дам.
10.25 Мультфильмы.
12.30 Худ. фильм «СМЕРТЕЛЬНАЯ ИГРА».
14.25, 5.55 «Как уходили кумиры»
15.30 Шокирующая документалистика.
16.25 Худ. фильм «ДОЛИНА ЛАВИН»
18.30 Смешное видео.
19.00 «Смешная реклама».
19.30 «Этот безумный мир».
19.55 «Шоу российских рекордов»
20.55 «Фабрика смеха».
22.00 Худ. фильм «РАЗРУШЕННЫЙ ГОРОД»
0.00 Т/с «С.С.И. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС»
2.00 Шоу рекордов Гиннеса.
3.00 Худ. фильм «БЕЛОСНЕЖКА: СТРАШНАЯ СКАЗКА».
4.55 Ночной клуб.
7.30 Музыка

ТНТ

7.00 «Неизвестная планета»
7.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ-БИЧ» Теленовелла
8.10 Твоя среда обитания.
8.40 Мультфильмы.
9.30 «Деревня дураков»
10.00 «Зверские сказки»: «Обезьяны», «Попугай» Док. фильмы.
11.05 «ЭД ИЗ ТЕЛЕВИЗОРА» Комедия
13.30 Женская лига.
14.00 «Алло, гараж!»
15.00 «Голые стены»
16.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕС-

ТЕ» Комедия.
17.00, 20.00, 21.00, 0.00 «Дом-2»
18.00 «Школа ремонта»
19.00 Такси.
19.30 «Москва: инструкция по применению»
22.00 Комеди Клуб.
23.00 «Кандидат» с Владимиром Потаниным»
0.30 «Секс»
1.05, 4.40 «Ночные игры»
1.25 Наши песни.
2.00 «СЕМЕЙКА АДДАМС» Сериал
2.30 «ЭД ИЗ ТЕЛЕВИЗОРА» Комедия

СТС

8.00 «МЕДВЕДЬ И Я» Худ. фильм.
9.35, 11.30 Мультфильмы.
11.00 Улица Сезам.
12.00 Кино «АГЕНТ КОДИ БЭНКС».
14.00 «Жизнь прекрасна»
16.00 «Снимите это немедленно»
17.00 Фильм «Великаны».
18.00 «Истории в деталях»
18.30 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
19.30 «ВСЕ СМЕШАЛОСЬ В ДОМЕ...» Фильм
23.00 Кино «ОБРАЗЦОВЫЙ САМЕЦ».
0.45 Кино «ПОБЕГ НЕВОЗМОЖЕН».
3.05 Кино «МУЗЫКАНТ».
4.30 Кино «МАМИНЫ ДЕТИ».
6.00 Кино «ХОРОШАЯ ЖЕНЩИНА».

7 ТВ

7.00, 13.30, 21.00 Звезда автострады.
7.10 «Советский спорт»
7.30 Мир свободного спорта.
8.00, 9.00 Веселые старты.
9.30 Мультсериал.
10.00, 13.40, 17.00 AutoFashion.
10.10 «220 вольт».
10.30 Фильм «ВЫШЕ РАДУГИ»
11.40 Музыкальный трек.
12.00 Гольф сегодня.
12.30 Бусидо. Путь воина.
14.00, 25.30 Motorsport Mundial.
14.30 Ferrari Racing Magazine.
15.00 Автоспорт России. Суперсерия: Ф-1600, «Формула «Русь», «Honda Civic».
15.40 Картинг.
16.00 Rally&Racing Action.
17.10, 21.10, 3.00 NBA Live!
17.30 Экстремальный спорт.
18.00 Grand Prix Masters. Этап № 3 (Кьялами).
19.30 Золотые страницы истории F-1.
20.30 Total регби.
21.30 Гольф. Европейская неделя.
22.00 Футбол. Кубок Англии.
0.00 «Sports Watch». Тележурнал.
0.30 «Gillette World Sport». Тележурнал.
1.00 Бега и скачки.
2.00 Ужасы спорта.
2.10 Покер.
3.10 Смертельные искусства.
4.00 Снукер. Премьер-лига.
6.00 Ле-Ман: историческая гонка.

КЕМА ҲАЛОКАТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Яқинда Болтиқ денгизида «Финбирч» швед юк кемаи ҳалокатга учради. Ҳалокат пайтида кема бортида 14 команда аъзолари бўлган. Улардан тўрт нафари швед, ўн нафари филиппинликлардир. Хабар берилишича, жабрдийдаларнинг олти нафари тезликда қутқарув хизмати томонидан, яна олти нафари қутқарув операцияси вақтида вертолётлар ёрдамида қутқарилган. Қолганларнинг тақдирини номаълум.

Қутқарув ишлари қаттиқ тўфон туфайли қийинлашмоқда. Унда тўртта кема ва иккита вертолёт қатнашяпти.

Узунлиги 156 метр, эни 23 метр бўлган «Финбирч» турли хил юкларни контейнерларда ташиш билан шуғулланарди. Ҳалокат контейнерларини ушлаб турувчи сым арқонларнинг узлиши натижасида кема мувозанатини сақлай олмагани туфайли юз берган деган тахмин илгари сурилмоқда.

Черков санъат асарлари ўғрилигига ихтисослашган италиялик босқинчиларнинг асосий нишонига айланди. Ноқонуний археологик қазилмаларни олиб бориш қатъий таъқиқланган.



ЎҒРИЛАРНИНГ НИШОНИ ЧЕРКОВ

гач, улар сайёҳлар ва зиёратчилар ташрифи учун доимо очик турадиган, деярли қўриқланмайдиган ибодатхоналарни ўмаришга киришишди. Бу янги хавф ҳақида миллий маданий меросни ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи генерал Уго Дзоттин баёнот берди.

Қатор Италия черковлари мавжуд вазиятни бартараф этиш, қўриқловини таъминлаш мақсадида зиёратчилардан моддий ёрдам сўрашга мажбур бўлишмоқда.

Палаццо Инконтро (Palazzo Incontro) саройида очилган махсус экспозицияга ибодатхоналардан ўғирланган, полициячилар томонидан топилиб қайтарилган кўплаб суратлар қўйилган.



СЎНГГИ «ЧЎҚИТИРГАН ОТА» ФОЖИАСИ

Ўз номини пинҳон тутган радиостанциянинг хабар қилишича, корсика мафиясининг сўнги «чўқинтирган отаси», 67 ёшли Жан-Же номи билан машҳур Жан Батист Жером Колонна 1 ноябрь куни автоҳалокат туфайли ҳалок бўлган.



Унинг ўлими сабабларини аниқлаш учун махсус комиссия тузилган. Негаки, врачлар унинг ўлимига юрак хуружи сабабларини айтишганди. Бироқ у ҳалокатдан олдин ёки кейин юз берганми, бу ҳақда аниқ тўхтамга келишолмаган.

1978 йили суд уни 50-60 йилларда наркотикларнинг кенг ёйилишида айблаб, 17 йилга қамоқ жазоси белгиланган. Колоннанинг апелляция аризаси узоқ вақт, аниқроғи 1985 йилга қадар, яъни муддати ўтгунча кўрилмаганди. Бу вақтда эса у Лотин Америкасида одил судловдан яшириниб юрган.

Колоннанинг ўзи эса мафияга алоқадорлигини ҳамиша инкор қилиб келган.

ФУТБОЛЧИ МАФИЯ ҚУРБОНИ

Италиянинг «Бари» футбол клуби ўйинчиси 18 ёшли Жованни Монтани мафия «разборка»сининг қурбони бўлди.

Маҳаллий жиноий уюшма бошлигининг жияни бўлган бу ўйинчи икки номаълум шахс томонидан отиб ўлдирилган. Полиция фожиага мафия тўдалари ўртасида чиққан ўзаро низолар сабаб бўлган деб, ҳисобламоқда.

Сўнги уч ойда Италия жанубида маҳаллий жиноий гуруҳларнинг қуроли тўқнашувлари кескинлашгани кузатилган.

— Ёш Жованни Монтани фамилияси жиноий ишлари билан эмас, спортда эришилаётган катта ютуқлари орқали дунёга машҳур бўлишини орзу қиларди, — дейди жамоа мураббийси Энцо Таварилли. — Уни йўқотиш, ўғлимни йўқотиш билан барабар. Футбол унинг ҳаёти эди.



ҲАЙДОВЧИЛАР, ҚОИДАНИ БУЗМАНГ!

Ҳадемай Россия йўллари қолабузарликларини қайт этувчи асбоблар (приборы фиксации) билан жиҳозланади.

Буни ҳайдовчи умуман пайқамаслиги мумкин. Шунга қарамай, асбоб унинг ҳаракатини кузатади, суратга олади, давлат рақам белгиларининг нусхаси ва тезлиги кўрсатилган маълумотларни қайта ишлаш марказига узатади. Ҳозирча Калининград вилояти, Ставрополье, Краснодар ўлкаси, Екатеринбург, Мари-эл, Алания-Шимолий Осетия, Санкт-Петербург, Москва ва Подмосковьёда улардан фойдаланилмоқда.



02

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

Маълумки, психотроп моддаларнинг таъсири ва асорати оғуниқидан қолишмайди. Шу боис унинг ноқонуний савдосига қарши курашиш талаб этилади. Тошкент шаҳар ИИББ тезкор хизмати вакиллари томонидан Чилонзор туманида ўтказилган тадбир давомида Учтепа туманилик Э. Мамлакат гумонланиб текширилди. Шунда унинг сумкасида психотроп моддалар турига кирувчи дорилар борлиги аниқланди.



Мамлакатимизга турли айланма йўллар орқали сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг олиб кирилиши ҳамда ишлаб чиқарилишига қарши курашиш борасида ички ишлар ходимлари томонидан бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилоятида соҳа вакиллари кўп миқдордаги контрабанда маҳсулотларини ушлаб қолишди. «Ғиждувон-Нукус» йўналиши бўйича ҳаракатланиб бораётган «КамАЗ» русумли автомашина «Қизилқум» мунтазам йўл-патруль масканида хизмат олиб бораётган ходимлар томонидан тўхтатилиб текширилганда, юкхонасидаги мева-лар остига Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган, ҳеч қандай ҳужжатсиз қарийб 4 млн 800 минг сўмлик спирт маҳсулотлари жойлангани ошкор бўлди. Улар бухоролик Б. Шавкатга тегишли экан. Мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб бориляпти.



Тошкент шаҳрининг «Шарқ» йўл-патруль масканида «Тошкент-Ўш» йўналиши бўйича келаётган «Нексия» русумли автомашина тўхтатилганда йўловчилардан бири безовталаниб қолди. Бундан шубҳаланган ички ишлар ходимлари уни холислар ишгириқидан кўздан кечиришди. Наманганлик



М. Муҳаммад бежиз хавотирга тушмаган экан. Унинг ёнидан Германияда ишлаб чиқарилган 2 донна тўппонча топилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари томонидан Беруний туманидаги деҳқон бозорида ўтказилган тадбир чоғида катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаси билан ноқонуний савдо қилмоқчи бўлган уюшган гуруҳ қўлга олинди. М. Фозил, А. Тоғайназар, Б. Пиримқул, Э. Баҳромлар ўзаро тил бириктириб, 45 кг миқдордаги опийнинг ҳар килосини 1600 АҚШ долларига пулламоқчи бўлганларида тузоққа илинишди.

Вазифаси инсонларни тўғри йўлга бошлаш, панд-насиҳатлар қилиш бўлган кишиларнинг тубанликка қўл уришини қандай изоҳлаш мумкин? Самарқанд вилояти Ургут туманида яшовчи А. Ҳусан Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Юсуф эшон бобо» масжидида ҳисобчи лавозимида

Хоразм вилояти Богот тумани ИИБга Алишер Навоий номли фермерлар уюшмасида яшовчи Б. Неъматжонга тегишли хусусий дўконнинг девори тешилиб, маҳсулотлар ўғирлангани ҳақида хабар келиб тушди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур жиноят «иссиғида» очилишига эришилди. Гувоҳларнинг кўрсатмалари асосида урганчлик, муқаддам судланган Н. Ойбек гумондор сифатида ИИБга олиб келинди.

— Аввал содир этган жиноятларим учун жазога тортилиб, амнистия туфайли озодликка чиқдим. Ўшанда тўғри йўлни танлайман, деб ўзимга сўз берганим, ammo бунга иродам етмади, — деди у тергов жараёнида.



ишлаб келган А. Шерембетнинг уйига гиёҳвандлик моддаларини жойлаб қўяди. Хонадон кўздан кечирилганда 20 кг дан ортиқ опий, 1 кг дан зиёд героин борлиги аниқланди. Жомеъ-масжид ҳам назоратдан ўтказилганда масжид имоми Б. Қошғарнинг сейфи ичидан опий топилди. Шунга айтсалар керак-да, дили бошқа-ю, тили бошқа, деб.

КЎЗНИ НУР ҚАМАШТИРГАНДА...

Тунда транспортни бошқариш кўришнинг чекланганлиги, йўлда кутилмаган тўсиқлар, пидедалар, аравалар ёки велосипедчиларнинг пайдо бўлиб қолиши мумкинлиги билан анча қийинчиликлар туғдиради.

Урганч шаҳридаги Дўсов номли кўчадан «Нексия» автомобилини бошқариб бораётган Ойбек Полвоновга қонданнинг бу талаблари маълум эди. Лекин у кутилмаган хавф-хатарларга бепарволик билан қаради. Бунинг устига шивалаб ёмғир ёғаётганди. Шундай бўлса ҳам Ойбек тезликни пасайтирмади. Олдида транспорт воситаси келаётганини кўриб, узоқни ёритувчи чироқларни яқинни ёритувчи чироқларга алмаштирди. Қарши томондан келаётган ҳайдовчи ҳам шундай қилди. Лекин ҳар иккала ҳайдовчи қонданнинг бу талабини кечикиб, яъни бир-бирига жуда яқинлашган вақтда бажаришди. Натижада Ойбек ўз автомобилнинг узоқни ёритувчи чироқларини ёқиши билан олдида,

нақ бурнининг тагида бораётган велосипедчини кўриб қолди. Тўхтатишнинг имкони йўқ эди. Фақат рулни бирданига буриб, фалокатнинг олдини олиш мумкин. Ойбек саросимада велосипедчини уриб юборди.

Энди у транспорт воситасини дарҳол тўхтатиши ва велосипедчи га ёрдам бериш учун зарур чораларни кўриши керак эди. Буни қоида, қолаверса, инсонийлик бурчи талаб этади. Аммо О. Полвонов тезликни пасайтирмасдан, воқеа жойини ва ҳушсиз ётган жабрланувчини ташлаб, кетиб

қолди. У қоронғуда, яна ёмғирда воқеадан ҳеч ким хабардор бўлмади, деб ўйлади. Аммо янглишганди. Йўл-транспорт ҳодисасини шу жой яқинидаги Урганч туризм коллежи қоровули Рустам Юсупов кўрган, Ойбек бошқарувидаги «Нексия»нинг давлат рақам белгисини ҳам эслаб қолганди.

Қоровул воқеа жойига етиб келган тезкор

гуруҳ аъзоларига кўрганларини гапириб берди. Зудлик билан махсус тадбир эълон қилинди ва аниқланган маълумотлар асосида иш олиб борилди. Натижада Хива туманида яшовчи Ойбек Полвонов ушланди.

Шу ўринда айрим ҳайдовчилар арзимаган майда-чуйда деб ўйловчи бир ҳолатга эътиборни қаратмоқчиман. Маълумки, йўл

ҳаракати қоидаларининг 22.2-банди бўйича ҳар бир ҳайдовчи қарама-қарши транспорт воситасига 150 метрдан кам масофа қолганда, узоқни ёритувчи чироқларни яқинни ёритувчи чироқларга алмаштириши керак. Бу масофа ҳайдовчиларнинг кўзини қамаштирмайди. Агар ҳайдовчилардан бири бир сония кечикса нима бўлади? Соатига 70 километр тезликда бораётган ҳозирги замонавий автомобиль бу вақт ичида 15-20 метрдан кўпроқ йўлни босиб ўтади. Натижада ҳайдовчилардан бирининг кўзи қамашади. О. Полвонов билан худди шундай ҳолат содир бўлган бўлиши мумкин. Лекин бу унинг масъулиятини камайтирмайди. Чунки у, биринчидан, кўз қамашганда тезликни пасайтириши ёки н и ч и д а н , транспортни йўл ва об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда бошқариши шарт эди. Яхшиямки, йўл ҳодисасини кўриб қ о л г а н одамлар дарҳол «Тез ёрдам» ҳамда ички ишлар идорасига хабар беришди

ва жабрдийда велосипедчи, Урганч туманилик Рустам Бекчанов омон қолди.

Лекин унинг велосипедни бошқаришда йўл қўйган хатосидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Зеро, Р. Бекчановнинг велосипедида нур қайтаргичлар бўлмаган. Эҳтимол у ҳам буларни ўрнатишни арзиманган майда-чуйдалар, деб ҳисоблагандир. Агар қоида талабига кўра у бошқариб бораётган велосипеднинг олд томонида оқ, орқа томонида қизил рангли ёруглик қайтаргичлар ўрнатган «Нексия» ҳайдовчиси велосипедни ўз вақтида пайқаб қолган бўларди. Иккинчидан, велосипедчи Р. Бекчанов йўлнинг четида тўпланиб қолган ёмғир сувларидан қочиб, қатнов қисмининг ўртасига яқин жойдан ҳаракатланган. Бу ҳам қоидага зид.

Бу мулоҳазалар воқеа жойини кўздан кечириш ва одамлар билан мулоқот вақтида пайдо бўлган дастлабки тахмин ва ҳулосалардир. Ҳақиқий ҳолат тергов давомида аниқланади. Мақсадимиз бошқа ҳайдовчиларга бундай вазиятларда эҳтиёткорликни оширишлари ва қоида талабларига қатъий амал қилишлари кераклигини яна бир бор эслатишдан иборатдир.

Рўздат РЎЗМЕТОВ,
Урганч шаҳар ИИБ ЙҲХБ
бошлиғи, майор.

ЖИНОЯТЧИГА МУРОСАСИЗ БЎЛАЙЛИК!

ЎҒРИНИ ҚЎШНИ ҚЎЛГА ОЛДИ

*Кексалик — умрининг инжиқ палласи, деб бежиз айтилмайди.
Бир кун белинг оғриси, эртасига оёғинг лўқиллашидан жабр чекасан.
Лидия Артёмовнада ҳам худди шундай — кексалиги боис
кўпинча ўзини ожизу нотавон сезади.*

Бир куни у вужудидаги лоҳасликдан безор бўлиб, шифокорга учрашиш ва муолажа олишга қарор қилди. Уйдан чиқиб кетаётганда, неварасига:

— Виктория, мен шифохонага бориб келаман, ўқишга кетаётганимда дарвозани кулфлашни унутмагин, — деб тайинлади.

— Хавотир олманг буви, ҳаммаси сиз айтганингиздек бўлади, — деди Виктория.

Орадан бир соат ўтгач, у ҳам университетга отланди. Кетишдан олдин бувисининг айтганларини бекаму кўст адо этишни унутмади, дарвозани ташқаридан кулфлади. Беркилганлигини текшириб кўрди.

Лидия Артёмовна шифохонадан тушга яқин қайтди. Ёнидан калитни чиқариб, дарвозани очиб, ичкари кирди. Киришга кирди-ю, ногаҳон ётоқхона эшигининг бир табақаси ён томондан синганлигини кўриб, хушёр тортди. Тикилиброқ қараса, хонада кимдир юрибди! Шу заҳоти «Ўғри, ўғрини ушланглар!» — деб қичқирди кампир бояқиш. Ичкаридаги шарпа ўқдек отилиб чиқиб, ўзини кўчага урди. Унинг қораси ўчиши билан ос-

тонада ён қўшниси Ма-лоҳат пайдо бўлди.

— Нима гап, тинчликми, қўшни? — сўради у хавотирланиб.

— Уйимга ўғри тушибди, уни ушлаш керак! — деди хонадон соҳибаси янада таҳлика билан. — Қочиб кетиши мумкин, вой, худойим-ей, мен муштипарга ким ёрдам беради энди?!

Улар оёқларини қўлларига олиб, кўчага чиқдилар. Кутилмаган омадни қарангки, қўшни хонадонда истиқомат қилувчи М. Усмонов машинасида келиб қолса бўладими.

— Жон укам, илтимос, ўғри қочиб кетяпти! Унинг ортидан бориб ушланг, — деди Лидия Артёмовна илтижо билан юраги ҳаприқиб.

Кўшни гап нимада эканлигини англади-ю, машинасига

ўтириб, газни босди. Ҳаллолаганча қочиб кетаётган ўғрини таъқиб эта бошлади. Бир зумда етиб олиб, унинг қўлларини қайирди...

— Мен айбимга тўлиқ икрорман, — дея сўз берилганида қора курсидан оҳиста кўзгалди Хоразм вилояти Урганч шаҳрида туғилган, айни дамда Фарғона шаҳридаги хонадонларнинг бирида вақтинча яшовчи С. Комил. — Моддий жиҳатдан қийналиб қолганлигим боис, ўша куни пул топиш мақсадида кўчага чиқдим. Кайфим бор эди. Кўча бўйлаб кетаётганимда, 167-уй дарвозасига кулф осилганини кўрдим. Ўғирлик мақсадида газ қувури устига чиқиб, дарвозадан ошиб тушдим. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Айвон деразаси-

н и кўлим билан осонгина очдим. Аммо ёпиқлиги учун ётоқхона эшигини синдиришимга тўғри келди. Ўмаришим мумкин бўлган буюмларни йиғиштираётганимда уй эгаси келиб қолди. Қочишдан ўзга чора топмадим. Аммо бир киши ортимдан машинада бориб, мени тутиб олди.

Рост гап, ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ, бунга улгуролмадим. Қилмишимдан пушаймонман, иложи бўлса менга энгиллик берсангизлар...

— Яхшики ўшанда қўшним келиб қолди, — дейди жабрланувчи Л. Мирзоян кўргазма бераркан. — Агар у озгина кечикканида, ўғри албатта қочиб кетарди. Ички ишлар ходимлари билан биргаликда уйни кўздан кечирдик. Ҳақиқатдан ҳам судланувчи ҳеч нарса олишга улгурмаган. Ётоқхона эшигини синдириб, менга 15 минг сўм миқдорда моддий зарар етказди. Ана шу зарарни ундириб бериш ва унга нисбатан қонуний чора кўришларингизни сўрайман.

Суд мажлисида гувоҳлар М. Муҳаммадиева, В. Мирзоянларнинг кўргазмалари ҳам диққат билан тингланди. Суд С. Комил томонидан жабрланувчи Л. Мирзоянга етказилган зарарни ундиришни лозим топди ва айбланувчига тегишли жазо тайинлади.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: кези келганда биз қочиб кетаётган ўғрини ортидан таъқиб этиб борган ва уни ушлаб, шаҳар ИИБга топширган, бу билан ўзининг жиноятчиликка нисбатан мурасасизлиги ҳамда довиюраклигини намойиш этган ҳамюртимиз М. Усмоновни кўп сонли мухлисларимиз номидан олқишлашга бурчлимиз. Илоҳим, ана шундай инсонли-диёнатли инсонлар орамизда кўпайсин.

«ЮРАГИДА ЎТИ БОРЛАР КАСБИДИР БУ»

дагли турмуш кечиради, соғ-саломат бўлса, ўзини ҳазина топиб олган кишидек ҳис этади. Бугунги тинч-осойишта кунимиз учун Аллоҳга ҳар қанча шукроналар айтсак кам.

— **Ички ишлар ходимлари хизматига қандай муносабат билдирган бўлардингиз?**

— Ҳар ким ҳам ички ишлар ходими бўлмайди. Оғир ва масъулиятли касб. Юрагида ўти бор, довюрак, метин иродали кишигина бундай шарафли касбни танлайди ва ундан чинакам бахт топади. Кўча-кўйда ички ишлар ходимига дуч келамиз. Уларни кўриб хотиржамлик тортамыз. Фурсатдан фойдаланиб кеч-чаю кундуз, жазирамаю аёзларда юрт тинчлиги, эл осойишталиги йўлида камарбаста соҳа ходимларига оилавий тотувлик, бахт-саодат, соғлик ва саломатлик тилаб қоламан. Барчалари омон бўлишсин.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

Суҳбатдош:
Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Санъат олами жуда кенг. Унда ижод қилаётган ҳар бир санъаткорнинг ўзига яраша мухлислари бор. Катта сахнада кўп йиллар давомида ўз ўрни ва мавқеини сақлаб келаётганлар талайгина. Ана шундай ижодкорлардан бири, ўзининг бетакрор овози ва ижро этган роллари билан халққа манзур бўлган актёр, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов бу галги меҳмонимиз.

— Афзал ака, одатда, инсон бирор касбнинг этагидан туттишида нимадир сабаб ёки туртки бўлади. Бу ҳолат сизда қандай кечган?

— Ёшлигимда санъаткор, хусусан, театр актёри бўламан деб орзу қилган эмасман. Аксинча, мактабда аниқ фанларга қизиққанлигим боис, профессор бўлишни хоҳлардим. Бу касбга кириб келишим мутлақо тасодиф. Лекин бекорга бундай тасодифга йўлиқмаган эканман. Балки, руҳиятим ҳам, шуурим ҳам шунга тайёр бўлгандир. Чунки бизнинг оилада санъат доим эъзозда бўлган. Хусусан, онам, тоғаларим, холаларим дутор чалиб ҳиргойи қилишарди. Оиладаги шу муҳит таъсири бўлган бўлса керак, рубоб чалишга қизиқардим. Сўнгра дадам мусиқа мактабига олиб борди. Ота-онам, жиддий шуғуллансанг, келажакда консерваторияга ўқишга кирасан, дейишган. Бироқ фанларга бўлган қизиқшим бундан устун келди ва ўқишимни давом эттиравердим. Бу тахминан бешинчи синфда ўқиб юрган кезларимда эди.

Тасодифга тўхталсам, бир куни Театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Санъат институти)га қабул ҳақидаги эълонга кўзим тушиб қолди. Шунда актёрликни ўрганса бўларкан, деган фикр миямга келди ва астойдил киришдим. Уч йил киролмай, охири сиртки бўлимга қабул қилиндим. Кейин Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига сахна ишчиси бўлиб ишга кирдим. Назария ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда олиб борганим, актёр бўлиб шаклланишимга замин ҳозирлади.

— **Миллий қадриятларимиз-**

ни сахнага олиб чиқишда нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Биласизми, театр бошқа санъат турларидан мураккаблиги, ўзига хослиги билан фарқланади. Сахнага жамиятдаги, турмушдаги бирор муаммони олиб чиқишдан олдин, унинг ижтимоий ҳаётдаги ечимини топа олиш керак. Айтмоқчиманки, театр тез жавоб бера оладиган санъат тури эмас. Масалан, публицистикани оладиган бўлсак, куннинг долзарб масаласини шундоқ саҳифага олиб чиқаради. Театр ундай қила олмайди. Бунинг учун муайян муддат талаб этилади. Драматург уни тушуниб олиб, «ҳазм қилиб», қоғозга тушириб, сахна асари сифатида тайёр қилгунига қадар маълум вақт ўтади. Шунинг учун театрни халқ тилидаги «оғир карвон» десак ҳам бўлади.

Афсуски, бугун театр одамларни қийнаётган, долзарб масалаларга жавоб беролмаяпти, тўғрироғи, улгурмаяпти. Йўл-йўлакай учраб турадиган оддий масалаларни олиб чиқишдан нарига ўтолмаяпти. Театр сон жиҳатидан кўпайгани билан сифат жиҳатидан ҳали орқада. Яқин орада сон ўзгаришлар ўрнини сифат ўзгаришлари «забт» этади. Айтмоқчиманки, театр янгидан тугилади. Энди бизнинг шаклимиз ҳам, мазмунимиз ҳам миллий қадриятлар уйғунлигида бўлади.

— **Кейинги пайтда катта сахнада кўринмай қолдингиз...**

— Мен ўйнаган спектаклларнинг аксарияти заҳирага ўтиб қолди. «Отелло», «Кирол Лир», «Фаридун» спектакллари шулар жумласидандир. Балки, ҳозирги ёшларга бу шоҳ асарлар унчалик маъқул келмас. Лекин улар жаҳон

мумтоз адабиётининг нодир дурдонаси бўлиб қолавереди. Сахнадаги ижроимга келсак, режиссёр муаммоси ҳамон қийнаб келмоқда. Малакали, юқори истеъдод соҳиби бўлган режиссёрлар афсуски, бизда жудаям кам. Ҳозирда янги рол ижро этмоқчи бўлсам, унга жуда катта масъулият билан ёндашяпман. Бир ўйлаб кўринг, актёр ўзи сахнага нима учун чиқади? Албатта томошабинга мароқли ҳордиқ ҳадя этиш, уни жалб этиб, лол қолдириш учун сахнага чиқади. Худо хоҳласа, кўнглимдагидек рол чиқса, мухлисларимни хурсанд қилиш ниятидаман.

— **Театр ва ҳаёт сахнасидаги уйғунликни актёр сифатида нималарда кўра оласиз?**

— Ҳар бир инсонда Яратган ато этган ўз феъл-атвори бор. Шу жумладан, актёр ҳам образ яратишда шу даражада ўзгарадики, ҳаётдаги, инсонийлик фазилятлари гўёки ортага чекиниб, мутлақо бошқа одамга айланади. Бу ҳамиша инсонларни қизиқтириб келган. Бироз муддат бўлса-да ўзга дунё, ўзга қиёфа, ўзга ҳиссиёт билан яшашнинг ўзи қизиқ эмасми?!

Биласизми, энг зўр актёр ким? Болалар. Чунки, уларнинг ҳар бир ҳаракатларида самимийлик, беғуборлик яққол кўриниб туради. Тасаввур қилинг, болага «олабўжи» келаяпти десангиз, ўша заҳотиёқ кўрқанидан ўзгариб, ранги бўзариб кетади. Ваҳоланки, беш йил ўқиб, олийгоҳни тугатган актёр сахнада бундай ҳолатни қойилмақом қилиб ижро этолмайди. Касбимизнинг мана шу хусусияти назаримда одамларни ҳаётда актёр қилади. Шунингдек, уларни томошабин сифатида театрга етаклайди.

— **Афзал ака, кўпчилик мухлислар сизни бетакрор ва ширали овоз соҳиби, дубляж устаси сифатида ҳам яхши танийди. Бу соҳадаги фаолият-**

тингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— 1974 йилда, яъни институтни тугатганимдан сўнг Комил Ёрматов номидаги «Ўзбекфильм» студиясига қатнаб турардим. У пайтларда студияда ҳақиқий ўзбек дубляж мактаби мавжуд эди. Фильмларни дубляж қилиш борасидаги ишлар юқори баҳоланарди. Айтиш мумкинки, собиқ иттифокда олдинги ўринда эдик. Фильмдаги образларнинг характери, овозига қараб актёрлар танлаб олинарди. Шунинг учун жуда жонли, худди рус ёки бошқа миллат актёри ўзбекча гапирётгандай бўларди.

Ҳозир эса, дубляж телевидениеда қилинапти. Айни пайтдаги миллионлаб томошабинлар мириқиб кўраётган сериаллар ҳақиқий дубляж эмас, балки, кадр ортидаги синхрон таржима ҳисобланади. 150 сериялик сериалга атиги тўрт нафар актёр овоз берапти.

— **«Тинчлик — бахт, соғлик — тахт» деган нақлга қандай изоҳ берган бўлардингиз?**

— Юрт, хонадонингиз тинч бўлиб, фарзандларингизнинг эртанги кунига ишонч билан боқсангиз, хотиржам бўлиб санъатга талпинасиз. Инсон қорни т ў й и б , т и н ч - осойишта бўлганидан сўнг ўй сура бошлаган. Табиатга, осмондаги юлдузларга боққан. Кундалик ташвишларни хиёл унутган. Ана шундан сўнг, ижодга, санъатга ошуфталик пайдо бўла бошлаган. Дарҳақиқат, тинчлик ҳукмрон жойда инсон бахтли, сао-



ШАХСИЙ ФИКР

Афзал РАФИҚОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Хорижда сафарда бўлганимда у ердаги маҳаллий полиция ходимларининг билими, маданияти ва муомаласи мени қойил қолдирарди. Бизнинг ички ишлар ходимлари ҳам улардан қолишмайди. Алп қоматли йигитларнинг сара-саралари танлаб ишга олинапти. Айниқса, телевизор орқали ИИВ Академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курсларининг очилганини кўриб жуда қувондим. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур курсларда элимиз корига ярайдиган, энг асосийси, юрт тинчлиги, эл осойишталигини ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайдиган фарзандларимиз камол топмоқда. Менинг назаримда, ички ишлар ходими бу энг аввало, ўз оиласи, яқинлари, маҳалласи, она қишлоғи, шаҳри ва ниҳоят Ватанининг тинчлиги ва хавфсизлиги посбонидир. Шундай экан, бундай шарафни оқлаш, ардоқлаш, сидқидилдан адо этиш керак деб ўйлайман.

Тошкент вилояти ИИБ тиббиёт бўлими ходимлари шахсий таркибнинг саломатлигини сақлаш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

БЕМОРЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ

Айниқса, касалликларнинг олдини олиш учун қилинаётган ишларнинг ижобати боис кейинги йилларда ички ишлар ходимлари ўртасида хасталикларга чалиниш камайиб борапти. Профилактик тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилиб, тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари, шифокор ва ҳамшираларнинг беморларга кўрсатаётган хизматлари самарали бўлиши учун замонавий тиббий ускуналардан ҳам кенг фойдаланиляпти.

Суратда: вилоят ИИБ тиббиёт бўлими ҳудуд терапевти А. Ботирова ва катта мутахассис А. Акрамовалар ҳамшираларга беморлар билан хушмуомала бўлиш, белгиланган муолажаларни қандай бажарилиши ҳақида йўриқлар бермоқда.



ЮРАК ХАСТАЛИКЛАРИ ДАВОСИ

“Ҳурматли таҳририят! Юрак хасталигидан қийналаман. Дори ичсам тошма тошади. Шунинг учун юрак хасталигида халқ табобатида қўлланиладиган усуллардан маълумот берсангиз.

Халқ табобатидан

Ю. БОТИРОВ,
Чиноз шахри

Тухумни чала пишириб, сариғи еб юрилса, юракни қувватлантиради.

Юраги сиқилиб хафақон дардига учраган киши ўзига ёқадиган хушбўй нарсалар (атиргул, райхон, атир кабилар)ни бирга олиб юриши керак.

Иссиқ мизожли одам кашнични майдалаб еб юрса, юракка қувват беради, уни хафаликдан қутқаради.

Хайвон (мол-кўй) юрагини бугда хил-хил пишириб ёки ёғ билан қовуриб, сирка қўшиб ейилса, юракка қувват беради, хафақон иллатини қувади.

Ҳар куни наҳорда ўрик шарбатидан бир пиёла ичиш ёки кунига 4-5 та ўрик туршаги еб юриш ҳар қандай юрак хасталигини даволашда қўл келади ва юракни бақувват қилади.

Говчашм (сигиркўз) шираси, говзобон шираси, гулоб юракка қувват бағишлайди.

Овқатланишда крахмал, сут маҳсулотлари, қанд-шаркардан тийилиш ҳам бу ка-

салликда фойда беради.

Анбар (кашалот балиғидан олинадиган хушбўй модда) кексаларнинг юрагига қувват беради.

Бинафша ёғи, ширин



олма, ширин анор шарбати юракни қувватлантиради.

Капалакгулнинг гуллари-дан чой дамлаб ичиш ҳам юрак хасталигига даво.

Саккиз гр. пиллани сувда қайнатиб оқ қанд билан қиёмга келтириб ейилса, юракни қувватли қилади.

Тол барги ва новдаларини ёйиб, устига ётилса, юрак ҳароратини даф қилади.

Сариқ чой (далачой) нинг қуруқ ўтини сувда қайнатиб тиндирғач, бир ош қошиқда кунига 2-4 марта овқатдан кейин ичиш ҳам фойда беради.

Қуритилган кашнич, беҳи истеъмол қилиш, оқ атиргул ҳидлаш билан юракни қувватлантириш мумкин.

Беш гр. кунгабоқар ил-дизининг суви ичилса, совуқликдан заифлашган юракка шифодир.

Кунига бир коса янги соғилган сигир сутини иссиғида ичилса, юракка куч бағишлайди.

Нок, хандон писта, анжир юрак заифлиги ва хасталикларини даволашда яхши шифодир.

Янчилган дашт ва сув ялпизи, қалампирмунчоқ сув билан ютилса, юракнинг беҳузур бўлишига шифодир.

Лимонни шакар чой билан ичиш ҳам юрак беҳузурлигини кетказди.

Совуқ мизожли одамлар 8 грамм, иссиқ мизожли одамлар эса 2 граммдан седана еб юришса, юрак беҳузурлигидан фориғ бўлишади.

«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионатининг олий лигасида кумуш медаль қайси жамоага насиб этишини сўнги тур аниқлаб беради. 29-турда кучли учликдан жой эгаллаган жамоалар галабага эришдилар.

КУМУШ МЕДАЛЬ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Муддатидан аввал чемпионликни қўлга киритган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида «Металлург»ни йирик 6:0 ҳисобида мағлуб этди. Пахтакорчилардан Темур Копадзе иккита, Вадислав Кириян, Анвар Солиев, Сервер Жепаров ҳамда Ринат Байрамовлар биттадан тўп киритишди.

Иккинчи поғонадан жой олган «Нефтчи» жамоаси сафарда «Андижон» билан беллашди. Таркиб жиҳатидан Андижондан анча кучли фарғоналиклар кичик ҳисобда галаба қозонишди. Уч очко келтирган голни Иля Коваленко киритди.

Кумуш медаль учун «Нефтчи» билан курашаётган «Насаф» ўз уйида «Самарқанд-Динамо»ни мағлуб этди. Учрашувнинг саккизинчи дақиқасида Зафар Холмуродов кийитган гол «Насаф»га галаба келтирди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Локомотив» — «Тўпаланг» — 2:2,
«Бухоро» — «Шўртан» — 1:2,
«Сўғдиёна» — «Трактор» — 4:3,
«Қизилқум» — «Навбахор» — 3:0,
«Хоразм» — «Машғал» — 2:4.

Жадвалда етмиш етти очко билан «Пахтакор» пешқадамлик қилмоқда. Олтмиш саккиз очко жамғариб иккинчи поғонани банд этган «Нефтчи» сўнги учрашувда галаба қозонса, кумуш медални қўлга киритади. Фарғоналиклардан бир очко кам жамғарган «Насаф» эса иккинчи ўринга чиқиш учун кейинги турда галаба қозониб «Нефтчи»нинг очко йўқотишига умид боғлаяпти.

Қуйи поғонада «Хоразм» келаси мавсумни биринчи лигада бошлайди. Олий лигани тарқтадиган иккинчи жамоа охириги турда маълум бўлади. «Металлург» ва «Сўғдиёна» футболчилари олий лигада қолиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Тўпурарлар баҳеида 21та гол билан «Трактор» ҳужумчиси Павел Соломин пешқадамлик қилмоқда. Носир Отақўзиев ҳисобида 19та гол бор.

Отабек ЭЛТОЕВ.

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти томонидан спорт турларини ривожлантириш, шахсий таркибнинг жисмоний чиниқлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ёнгин ўчирувчиларнинг амалий спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Унда энг яхши натижа кўрсатган ходимлар халқаро мусобақаларда қатнашиш йўлланмасини қўлга киритишапти.

Шу кунларда Эрон Ислום Республикасида ёнгин ўчирувчилар ва қут-

қарувчилар спорти бўйича III-Жаҳон чемпионати ўтказилмоқда. Техрон шаҳрида бўлиб ўтаётган ушбу нуфузли чемпионатда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи ўринбосари, полковник С. Зайниев раҳбарлигидаги республика ИИБ вакиллари қатнашишмоқда.

Герма жамоамиз шарафини Тошкент шаҳар ИИББдан капитанлар И. Каримов, С. Григорьев, катта лейтенантлар У. Болибеков, Б. Дудников ва

сержант Д. Анцибаров, Тошкент вилояти ИИБдан катта сержант С. Кистаубаев ва катта лейтенант А. Абдунабиев, Қашқадарё вилояти ИИБдан сержантлар Р. Рўзиев ва О. Джуманазаров, Фарғона вилояти ИИБдан лейтенант Ш. Султонов, Хоразм вилояти ИИБдан кичик сержант У. Матёқубов, ИИБ ЁХОТ-Мдан курсант Э. Камоловлар ҳимоя қилмоқдалар. Чемпионат 5 ноябрда давом этади.

С. АХРОРОВ,
подполковник
Суратда: ИИБ терма жамоа аъзолари.



Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмули ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш диярликдир. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!




Хафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88

Соат 9.00дан 21.00гача



Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефонлар:

139-73-88
139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@inbox.uz



ОБУНА – 2007



«Postda» бўлса ёнимизда, оро берар жонимизга

САДОҚАТЛИ ДЎСТЛАР ҲАҚИДА

Бир йигитнинг туғилган кунига уни табриклагани дўстлари ташриф буюришибди. Базм авжига чиққанида, йигитнинг отаси келиб қолибди.

— Ўғлим, — дебди отаси, — туғилган кунингга улгуриш учун машинани тез ҳайдаб келаётгандим, йўлда бир кишини уриб юбордим. Ўша одамнинг жасади машинанинг юкхонасида. Дўстларингга айт-чи, ўликдан қандай қутилса бўлади?

Йигит воқеани уларга айтибди. Шунда дўстларнинг «иши чиқиб қолиб», бирин-кетин жуфтакни ростлабдилар. Фақат йигитнинг энг яқин биргина дўсти қолибди.

— Қайғуришнинг фойдаси йўқ энди. Айбни бўйинга олмоқ керак. Мен сизга ҳамдардман. Бу иш ҳал бўлмагунча сиз билан биргаман, — дебди бояги йигит.

Шунда йигитнинг отаси машина юкхонасини очибди. Юкхонада эса... думба ёғида тайёрланган бир тоғора ошнинг буғи чиқиб турганмиш. Ота ўғлининг дўстига жилмайганча:

— Бу иш... ош ҳал бўлмагунча биз билан биргасиз! — дебди ва ўғлига қараб гапида давом этибди. — Дўст танлашда адашма, болам...

Интернет хабарлари асосида
Э. САТТОРОВ тайёрлади.

СТЕРЕО-ТАСВИР



ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъати, раҳбарияти ва шахсий таркиби, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Раҳматович Парпиевга укаси

Қудрат Раҳматович ПАРПИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, махсус батальон Самарқанд ротасининг взвод сардори, сержант Ў. Рўзиевга падари бузруквори

ЭРГАШ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Транспорт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Самарқанд темир йўл бекати тармоқ ИИБ Булунғур ТИИБ тармоқ пункти бошлиғи, майор А. Норбоевга падари бузруквори

АЪЗАМ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Жарқўрғон тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ш. Чориевга отаси

ШЕРБОЙ бобонинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


МАРХУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

Қадрли муштарий!

Этиборингизга ҳавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубҳамиз йўқ. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва интилиш бўлса бас.

Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чап-на бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган ҳолда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шунда кичик «мўъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намоён бўлади ва сиз ажойиб шакли гўзал бир максадада кўрасиз.

Авалги сонда берилган стерео-тасвирнинг кўриниши



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Бosh муharrir
Aziz ERNAZAROV

Бosh муharrir o'rinbosari
Ulug'bek MAMADALIYEV
Mas'ul kotib Erkin SATTOROV

Navbatchi: **Muhabbat Ibragimova**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahrirat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayri!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahrirat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipaq yo'l» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankining
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2925. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55250 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. © - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.